

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ДИЗАЙНИ”**

**йўналиши**

**“КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ДИЗАЙНИНИНГ  
МАТЕМАТИК ВА ДАСТУРИЙ АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ**  
**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА**  
**УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА**  
**ДИЗАЙНИНГ МАТЕМАТИК**  
**ВА ДАСТУРИЙ АСОСЛАРИ”**

---

**модули бўйича**

---

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**



**ТОШКЕНТ - 2018**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

---

Тузувчилар: ТАТУ , ф-м.ф.н., доц. А.Ш.Мухамадиев,  
ўқитувчи Г.А.Қаюмова.

Тақризчи: ТАТУ , ф-м.ф.д. Ф.М.Нуралиев ТАТУ,  
“Телевизион технологиялар” факультети декани,  
т.ф.н. Н.Мирзаев,  
“Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази”  
катта илмий ходими.

---

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари  
университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия  
килинган (20\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ - сонли баённома)

# МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда  
фойдаланиладиган  
интерфаол таълим  
Методлари

3

Назарий  
Материаллар

4

Амалий  
Машғулот  
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Глоссарий

7

Адабиётлар Рўйхати

І. БЎЉИМ

ИШЧИ ДАСТУР

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мултимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, компютернинг асосий функциясини, яъни тасвир билан боғлиқ маълумотларни қайта ишлаш, визуаллаштириш, яъни тасвирни ҳосил қилиш учун зарур бўладиган билимларни таркиб топтириш.

“Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” модулининг вазифалари:

- Рақамли тасвирга ишлов беришнинг назарий асослари;
- Асосий ранг моделлари;
- Асосий растр алгоритмлари;
- Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари;
- Рақамли тасвир яратиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Рақамли тасвирларга ишлов бериш тушунчаси;
- Асосий ранг моделлари ва турлари;
- Тасвирларни беришнинг координаталар усули;
- Асосий растр алгоритмлари;
- Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари ҳақида **билимларга эга**

**бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- растр ва вектор графикаси тавсифномаси;
- файл форматлари ва уларнинг тавсифномалари;
- сиртларни тасвирлаш моделлари;
- ҳажмга эга объектларни визуаллаштириш;
- геометрик эгри чизиклар ва уларни ҳосил қилиш алгоритмлари

**кўникмаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- Рақамли тасвир яратиш;
- ишлов беришнинг технологик занжири бўйича параметрлар руҳсатини

**аниқлаш;**

- текислик ва фазода объектларнинг аффин алмаштиришлари;
- Проексиялар ва уларнинг асосий турлари;

- ранг моделлари, ранг чуқурлиги ва рангларни кодлаш **малакаларини**

**эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- График маълумотларнинг математик асосларини ишлаб чиқиш;
- Компютер графикаси ва дизайннинг дастурий асосларини таълим жараёнида қўллаш;
- Яратилган рақамли тасвирларни таҳлил қилиш;
- Яратилган рақамли тасвирларга хулосалар бериш **компетенсияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компютер технологиялари ёрдамида презентатсион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Уч ўлчовли объектларни рақамли тасвирлаш усул ва алгоритмлари” ва “Замонавий медиатаълим технологиялари ва воситалари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Компютер графикаси ва дизайннинг математик ва дастурий асослари ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.



### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Гингловчининг ўқув юкلامаси, соат				Дустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Рақамли тасвирга ишлов беришнинг назарий асослари	2	2	2	-	-
2.	Асосий ранг моделлари	4	4	2	2	-
3.	Тасвирларни беришнинг координаталар усули	10	8	4	4	2
4.	Асосий растр алгоритмлари. Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари	8	8	4	4	-
5.	Рақамли тасвир яратиш	10	8	4	4	2
	Жами	34	30	16	14	4

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-Мавзу: Рақамли тасвирга ишлов беришнинг назарий асослари

Растр графикаси, умумий тушунчалар. Тасвирларнинг растр тушунчалари. Растр турлари. Растр тасвир эгалловчи хотирага таъсир этувчи факторлар. Растр тасвирнинг устунлик ва камчиликлари. Растрнинг геометрик

характеристикалари (рухсат этиш имконияти, растр ҳажми, пикселлар шакли). Растр тасвиринг ранглари сони. Растр графикаси билан ишловчи дастурлар.

Вектор графикаси. Объектлар ва атрибутлар. Вектор тасвир структураси. Вектор графикаси устунликлари ва камчиликлари. Пиксел. Бит чуқурлиги, компьютер графикасида мавжуд ранглари сони аниқлаш. Вектор графикаси элементлари (объектлари). Вектор тасвирларни яратувчи дастурлар.

График файллар форматлари. График файллар форматлари тавсифномалари. Графиканинг техник воситалари: ЭНТ, киритиш қурилмалари, дисплей адаптери, плоттерлар, принтерлар, сканерлар. КГнинг дастурий воситалари: қурилма драйверлари, кутубхоналари, график дастурлар, махсус график тизимлар ва дастурий пакетлар.

## **2-Мавзу: Асосий ранг моделлари**

Ранг тушунчаси. Инсоннинг кўриш аппарати. Рангни қабул қилиш. Компютер графикасида аддитив ва субтрактив ранглари. Ранг модели ва режими тушунчаси. Грассман қонуни. Рангнинг пиксел чуқурлиги. Қора –оқ режим. Яримтон режими. Ранг моделлари турлари (РГБ, СМЙК, ХСБ, Лаб) ва уларнинг устунлик ва камчиликлари. Рангни кодланиши

## **3-4-Мавзу: Тасвирларни беришнинг координаталар усули**

Координаталар тизими ва геометрик ўзгартиришлар (кўчиш, масштаблаш ва буриш). Координаталар тизими асосий матритсалари.

Эвклид геометриясида Платон жисмларининг хусусиятлари. Мунтазам кўпёқликлар.

Проекциялашнинг асосий турлари алмаштиришлар. Асосий ўқлар атрофида айлантириш. Координаталар тизими: борлиқ, объект, кузатувчи ва экран. Бир жинсли координаталар. Матритсалар ёрдамида бир жинсли координаталарда алмаштириш.

Фазовий алмаштиришлар ва уларнинг. Параллел Проекциялашнинг турлари. Марказис Проекциялашнинг турлари

## **5-6-Мавзу: Асосий растр алгоритмлари. Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари.**

Алгоритм тавсифи. Растр графикаси ва асослари. Компютер графикасида рангни ифода этилиши. Брезенхейм ва Сазерленд алгоритмлари. Тўғри чизиқни ҳосил қилиш алгоритми. Доирани ҳосил қилиш алгоритми. Эллипси ҳосил қилиш алгоритми. Фигураларни ҳосил қилиш алгоритми. Бўяш алгоритмлари (энг содда бўяш алгоритми, тўлқинли алгоритм, чизиқли бўяш алгоритми). Тўртбурчакни тўлдириш. Доирани тўлдириш. Қалин ва пунктир чизиқни чиқазиш алгоритми. Эгри чизиқларнинг геометрик хусусиятлари,

уларнинг функциялари. Сплайн эгри чизиклари ёрдамида сплайн юзаларни ҳосил қилиш. Нур. Ёритиш. Гуро, Фонг методлари.

### **7-8-Мавзу: Рақамли тасвир яратиш.**

Сканерлар. Сканерларнинг турлари. Сканерларнинг типлари. Сканерлар. Тасвирларни қайта ишлаш. Ишлов беришнинг технологик занжири. Ишлов беришнинг технологик занжири бўйича параметрлар рухсатини аниқлаш. Тасвирларни яратиш. Рақамли фотография. Камералар ва уларнинг турлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Асосий ранг моделлари**

Ранг тушунчаси. Инсоннинг кўриш аппарати. Рангни қабул қилиш. Компютер графикасида аддитив ва субтрактив ранглар. Ранг модели ва режими тушунчаси. Грассман қонуни. Рангнинг пиксел чуқурлиги. Қора –оқ режим. Яримтон режими. Ранг моделлари турлари (РГБ, СМЙК, ХСБ, Лаб) ва уларнинг устунлик ва камчиликлари. Рангни кодланиши

### **2- амалий машғулот: Тасвирларни беришнинг координаталар усули**

Координаталар тизими ва геометрик ўзгартиришлар (кўчиш, масштаблаш ва буриш). Координаталар тизими аро алмаштиришлар. Асосий ўқлар атрофида айлантириш. Координаталар тизими: борлик, объект, кузатувчи ва экран. Бир жинсли координаталар. Матритсалар ёрдамида бир жинсли координаталарда алмаштириш.

Фазовий алмаштиришлар ва уларнинг асосий матритсалари. Эвклид геометриясида Платон жисмларининг хусусиятлари. Мунтазам кўпёқликлар.

### **3- амалий машғулот: Тасвирларни беришнинг координаталар усули**

Проекциялашнинг асосий турлари. Параллел Проекциялашнинг турлари. Марказис Проекциялашнинг турлари

**4- амалий машғулот:  
Асосий растр алгоритмлари**

Тўғри чизиқни ҳосил қилиш алгоритмлари, Безе эгри чизиғи ва унинг учун геометрик алгоритм, геометрик эгри чизиқлар ва уларни ҳосил қилиш алгоритмлари. Алгоритм тавсифи. Растр графикаси ва асослари. КГда рангни ифода этилиши. Брезенхейм ва Сазерленд алгоритмлари

**5- амалий машғулот:  
Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари.**

Тенг ораликда бўлиш алгоритмлари. Сазерленд- Коен кодлари. Полигонларнинг кесишиши. Кўп томонли соҳаларни белгилаш. Уч ўлчамли кесишиш соҳалари.

**6- амалий машғулот:  
Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари**

Нур. Ёритиш. Гуро, Фонг методлари

**7- амалий машғулот:  
Рақамли тасвир яратиш.**

Сканерлар. Сканерларнинг турлари. Сканерларнинг типлари. Сканерлар. Тасвирларни қайта ишлаш. Ишлов беришнинг технологик занжири. Ишлов беришнинг технологик занжири бўйича параметрлар рухсатини аниқлаш. Тасвирларни яратиш.

**О'ҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бо'йича қуйидаги о'қитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (ко'рилаётган лойиҳа ечимлари бо'йича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бо'йича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш

қобилиятини ривожлантириш).

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
<b>1</b>	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
<b>2</b>	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
<b>3</b>	Амалий топшириқлар		0.8балл

# II. БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна:** Мультимедиа иловаларининг яратиш ва фойдаланишда SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Мультимедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг кучли томонлари	Мультимедиа иловаларини яратиш техник ва дастурий воситаларининг турли туманлиги. Улардан мақсадли қўлланилиши натижасида иш самарадорлигининг ортиши...
<b>W</b>	Мультимедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Баъзи техник носозликлар, техникадан фойдаланиш имкониятларининг чегараланганлиги
<b>O</b>	Мультимедиа иловаларини яратиш ва фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Мультимедиа иловаларини яратишда рағбатлантирувчи давлат грантларнинг мавжудлиги...
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Муаллифлик ҳуқуқини олмаган ҳолда илованинг ўзгалар томонидан ўзлаштирилиши...

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

#### Намуна:

Мультимедиа ани메이션 ролик яратувчи дастурлар					
Adobe Flash		Autodesk 3ds Max		GoAnimate	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					



**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

**Кейс.** Бирор бир мавзунини ўргатувчи мультимедияли ўқув дарсини яратиш.

### Кейсни бажарилиш босқичлари ва топшириқлари:



Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳларда);



Мультимедияли илова яратиш учун дастурий таъминотни танлаш ва ўрнатиш кетма-кетлигини белгиланг;



Мультимедияли илованинг аудио ва аудиовизуалларини яратиш ва иловага жойлаштириш;



Мультимедияли илова тақдимотини тайёрлаш ва ўтказиш.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустакил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили катнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



**Тест**

*Мультимедианинг дастурий воситалари неча турга бўлинади?*

- A. 2
- B. 3
- C. 4



**Қиёсий таҳлил**

- *Мультимедиали ўқув дарсини яратувчи дастурий воситалар кўрсаткичларини таҳлил қилинг?*



**Тушунча таҳлили**

- *Мультимедиали ўқув дарсини яратиш жараёнида овознинг синхронизацияси*



**Амалий кўникма**

- *Мультимедиали ўқув дарсини яратувчи дастурий воситаларни ўрнатинг?*

**“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

--	--	--	--

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Анимация</b>	тасвирлар кетма-кетлиги натижасида ҳаракат ҳосил қилинади	
<b>Ахборот технологиялари</b>	ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, чиқариш ва тарқатишда қўлланиладиган дастурий-аппарат ва усуллар мажмуи	
<b>Виртуал борлик</b>	компьютерда яратилган 3 ўлчовли муҳит бўлиб, муҳит ва фойдаланувчи орасидаги ўзаро мулоқотни ўрнатиб берувчи модель ҳисобланади	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

<b>Видеотехнология</b>	харакатни амалга оширувчи тасвирлар кетма-кетлигини яратиш ва намойиш технологияси.	
<b>Аудио-видеотизимлар</b>	матн, тасвир ва аудио маълумотларни қайта ишловчи тизимлар	
<b>Мультимедианинг аппарат воситаси</b>	мультимедиа компонентлари билан ишлашга мўлжалланган катта хотирага эга компьютер аппарат воситалари	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан

II. МОДУЛНИ ҶЌИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.  
 иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Adobe Flash дастурини ўрнатиш					
Autodesk 3ds Max дастурини ўрнатиш					

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

GoAnimate дастурини ўрнатиш					
Pinnacle Studio дастурини ўрнатиш					
Ulead VideoStudio дастурини ўрнатиш					

**“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

**Ўтказиш босқичлари:**

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**“Портфолио” методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг кўйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар битирувчи, тингловчи ва бошқ. портфолиоси, докторант, портфолиоси ва	Талабалар тингловчилар портфолиоси ва бошқ. гуруҳи, гуруҳи
Педагогик фаолият	Ўқитувчи раҳбар ходим портфолиоси, портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.



Ш. БЎЛИМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-Мавзу: Рақамли тасвирга ишлов беришнинг назарий асослари

##### Режа

1. Вектор ва пиксел графикасининг тавсифномаси
2. Файл форматлари ва уларнинг тавсифномалари

**Таянч ибора:** Вектор графикаси, растр графикаси, график форматлар, пиксел, график интерфейс, рақамли тасвир.

Шахсий компьютер ва унинг дастурий та'миноти ривожланиши ва такомиллаштирилиши шунга олиб келдики, компьютер ёрдамида олдинлари бажарилмаган вазифа ва ишлар амалга оширилиши мумкин бўлди. Шулар қаторидан компьютер ёрдамида тасвирларни яратиш ва уларга ишлов бериш, я'ни компьютер графикаси тушунчаси вужудга келди. Албатта бундан олдин ҳам компьютер графикаси мавжуд бўлган, лекин у асосан, дастурлаш тиллари ёрдамида яратиладиган геометрик фигура (шакллар) ва тасвирлар бўлган.

Компютер графикаси график интерфейсга эга бўлган операцион системалар ва дастурлар ишлаб чиқарилганидан кейин кенг тадбиқ этила бошланди. Компютер графикасининг иккита ё'налиши: растрли ва векторли турлари билан танишиб чиқамиз.

Растрли графикада ҳар қандай тасвир нуқта - пикселлардан ташкил топган бўлади. Ҳар бир пиксел алоҳида рангга эга бўлади. Улар мажмуаси эса яхлит тасвирни ташкил этади. Фойдаланувчи ҳар бир пикселга ишлов бериш имконига эга бўлади, тасвирдаги пикселлар сони қанчалик ко'п бўлса, тасвир шунчалик юқори сифатли бўлади. Тасвирдаги пикселлар зичлиги ДПИ (Дот Пер Инч - дюймдаги нуқталар сони) дейилади, я'ни бир дюймда (1 дюйм = 2,54 см) нечта нуқта жойлашганлигини белгилайди. Газета ва бошқа ро'зномаларда мазкур ко'рсаткич одатда 150 дпи, рангли журналларда 300 дпи, фотосурат ва композицияларда 600-1200 дпи ташкил этади. Экранда тасвирланадиган расмлар учун эса 72 дпи сифат ко'рсаткичи етарли ҳисобланади. Шунини та'кидлаш керакки, мазкур ко'рсаткични белгилаш ёки танлашда рационал ёндашувдан келиб чиқиш керак, чунки ҳар бир нуқта хотирада бир бит (агар тасвир оқ-қора бўлса) жой эгаллайди ва улар тасвирда ко'пайганида тасвирнинг хотирада эгаллайдиган ҳажми анча катта бўлади. Масалан, 300 дпи сифатга эга бўлган 2"х3,5" (5Х9 см<sup>2</sup>) о'лчамдаги асвир тахминан 630 000 битни ташкил этади. Агар тасвир о'лчамлари катта бўлса, ҳажми ниҳоятда катта бўлиши аниқ. Тасвир ҳажмини катта бўлиши қаттиқ дискда ко'проқ жой эгаллаши ва компютер томонидан секин қайта ишланишига олиб келади.

Растрли компютер графикасида ранглар тизимига катта э'тибор қаратиш керак. Графикада асосан РГБ (Ред, Греен, Блуе) ва СМЙК (Сян, Магента, Еллоу, бласК) ранг тизимлари қолланилади. РГБ анг тизими экранда тасвирланадиган расмлар учун (масалан веб-саҳифада), СМЙК ранг тизими асосан чоп этиладиган тасвирлар учун фойдаланилади.

Растрли графика билан ишлаш дастурлари бир нечта вазифаларни бажариш имконини беради:

- Тасвирни импорт қилиш - сканер, рақамли фотоаппаратдан киритиш, бошқа форматдаги расмларни киритиш (бмп, жпг, пнг, тиф, гиф, псд, пдф, вmf ва бошқалар);
- Тасвирни таҳрирлаш - о'згартиришлар киритиш, ранглар билан бо'яш, чизиш, о'чириш, ёрқинлик ва аниқлик даражасини ўзгартириш;
- Ранг тизимини ўзгартириш;
- Чоп этиш;
- Бошқа ном ва кенгайтма билан сақлаш;
- Ҳар хил эффектларни қўллаш.

Ҳозирги кунда оддий ва мураккаб растрли графика таҳрирлаш дастурлари мавжуд. Содда график муҳаррирлардан бири – Windows операцион тизими таркибига кирувчи Паинт дастуридир. Мазкур дастур оддий амалларни бажариш имконини беради, лекин профессионал даражадаги имкониятлардан фойдаланиш учун махсус растрли график дастурларидан фойдаланиш керак бўлади: Адобе Пхотошоп, Сорел ПхотоПаинт, Масромедиа Флаш ва ҳоказо.

Адобе Пхотошоп дастури ҳозирги кунда энг машҳур ва бутун дунё мутахассислари томонидан тан олинган дастур ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари – унинг бой ва кенг имкониятлари, қулай ва осон интерфейси (мулоқоти), деярли барча график форматлар ва тизимлар билан ишлаши.

Адобе Пхотошоп дастурининг охириги версиялари Адобе Пхотошоп 7.0, Адобе Пхотошоп СС, Адобе Пхотошоп СС2 бўлиб, улар деярли барча замонавий технологияларни ўз таркибига олган. Адобе Пхотошоп дастурининг ойнаси қуйидаги кўринишга эга:

Дастур ойнаси бир нечта қисмдан ташкил топган:

- Дастур сарлавҳаси – дастур ва жорий очилган ҳужжат номларини акс эттиради;
- Бош меню – тасвир устида бажарилиши мумкин бўлган барча фармоиш ва амаллар, эффектлар, созлашларни ўзига олган;
- Бошқарув панели – бирор бир ускуна танланганида уни созлаш ва кўрсаткичларини ўзгартириш учун фойдаланилади;
- Ускуналар панели – асосий амаллар бажарилишини таъминлайдиган анжом-ускуна ва ускуналарни ўзига мужассам этган;
- Жорий очилган ҳужжат – бевосита тасвир, файл номи ва кенгайтмаси, ранг тизими ва тасвирлаш масштаби (% да);
- Ҳолат сатри – жорий масштаби % да, ҳужжат ҳажми, жорий бажарилаётган амал номини акс этади;
- Навигатор – тасвир масштабини кўрсатиш ва ихтиёрий жойини катталаштириш ва танлаш;
- Ранглар/Намуналар/Стиллер (Свет/Образси/Стили) – тасвирда фойдаланиши мумкин бўлган рангларни танлаш, янгисини қўшиш, тайёр стилларни қўллаш;

- **Тарих/Амаллар (История/Действия)** – ҳужжат яратилганидан (очилганидан) бошлаб унинг устида барча бажарилган амал ва ишловлар рўйхати (тарихи);
- **Қатламлар/Каналлар (Слой/Канали)** – тасвирни ташкил этувчи барча қатламлар ва ранг каналлари билан ишлаш.

### **Вектор графикаси**

Векторли графикада тасвирлар геометрик шакллардан ташкил топган бўлади. Чизиқлар ва шакллар мажмуаси натижада бирор бир умумий расм ёки тасвирни ҳосил қилади. Векторли графиканинг афзалликларидан бири бу - расм масштабни қанчалик катталаштирманг, унинг сифати сира ҳам о'згармайди. Векторли графикада тасвирни ҳосил қилиш бо'йича математик формулалар асосида барча ҳисоб-китобларни компютер бажаради.

Векторли графика дастурларида янги тасвирлар яратилади, лекин шу билан биргаликда, уларга растрли тасвирларни ҳам қўшиш имкони бор. Импорт қилинган, я'ни қўшилган растрли тасвирларни таҳрирлаш имкони векторли график дастурларда кўзда тутилмаган.

Векторли график дастурларни бир нечта компаниялар ишлаб чиқарадилар ва уларнинг ба'зи имкониятлари айрим дастурларнинг вазифалари қо'ламага киритилган. Масалан, MS Office дастурлар мажмуасига кирадиган Word дастурида айрим векторли шаклларни чизиш ва ҳужжат таркибига киритиш мумкин.

Векторли графика имкониятларидан мукамал фойдаланиш учун махсус дастурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, масалан: Corel Draw, Macromedia FreeHand, Adobe Illustrator ва бошқалар.

Юқорида қўрсатилган дастурлардан энг машхури ва кенг қўлланиладигани, бу албатта, Corel Draw дастуридир. Ҳозирги кунда унинг 11- ва 12-версиялари мавжуд.

Corel Draw дастури о'зида мавжуд бўлган ускуналар ва шакллар ёрдамида бирор бир тасвирни яратиш, унга турли эффектларни қўллаш, растрли тасвирларни импорт қилиш, тайёр тасвирни чоп этиш ёки экспорт қилиш имкониятларини беради.

Corel Draw дастури юкланганидан кейин қуйидаги ойна ҳосил бўлади:  
Мазкур ойна қуйидагилардан ташкил топган:

- **Дастур сарлавҳаси** - дастур номи ва жорий очилган ҳужжат номини акс эттиради;
- **Бош меню** - барча фармоиш ва созлаш, эффектларни о'зига олган;
- **Стандарт панел** - асосий таҳрирлаш амалларини бажарадиган ускуналарни о'зига олган;
- **Хусусиятлар панели** - танланган ускуна ёки белгиланган объектга мувофиқ таркиби о'згарадиган хусусият (парметр) лар панели;
- **Ускуналар панели** - барча ускуналарни о'зига олган;
- **Ҳолат сатри** - жорий амаллар ҳақида ма'лумот акс этади;
- **Ранглар атласи** - объектларни бо'яшда қўлланиладиган ранглар мажмуаси.

Сорел Драв дастурида яратиладиган ҳужжатларнинг кенгайтмаси \*.сдр бо'лади, уни фақат Сорел Драв дастурида очиш мумкин бо'лади. Бундан ташқари, файлни сақлашда қайси версияга мослаштириб сақлаш кераклигини ко'рсатиш керак, акс ҳолда бошқа версиядаги дастурда файл очилмаслиги ёки айрим эффектлар ё'қолиши эҳтимоли мавжуд. Агарда ҳужжатда антиқа ва махсус шрифтлардан фойдаланилган бо'лса, матн ва ёзувларни сурвес, я'ни геометрик шакллар ко'ринишига айлантириш керак бо'лади.

Бошқа векторли графика дастурларининг имкониятлари Сорел Драв дастурига о'хшаш бо'лади, фақат уларни та'минлаш, ижро этиш технологияси ва механизмлари фарқланиши мумкин.

### **Паинт график муҳаррирда ишлаш**

Windows операцион системаси таркибида содда нуқтали (растрли) графика таҳрирлаш дастури мавжуд, бу дастур номи Паинт. Паинт дастури мураккаб бо'лмаган тасвирларни яратиш ва айрим ҳолларда тайёр расмларга ишлов бериш имконини беради. Мазкур дастурни ишга тушириш учун қуйидагилардан бирини бажариш керак:

- Пуск (Бошла) менюсидан Программи (Дастурлар) бандини, кейин Стандартние (Стандарт)
- дастурлар гуруҳидан "Паинт" ни танлаш керак.
- Пуск (Бошла) менюсидан Виполнит (Бажар) бандини танлаб, ҳосил бо'лган буйруқ сатрига "пбруш" буйруг'ини киритиб, ОК тугмасини ёки Энтер тугмасини босиш керак.
- Натижада экранда дастур ойнаси ҳосил бо'лади.
- Паинт дастури ойнаси қуйидагилардан ташкил топган:
- Дастур сарлавҳаси ва ҳужжат номи;
- Бош Меню - барча асосий фармоиш ва амалларни о'зига олган;
- Чап томонда ускуналар панели - таҳрирлаш амалини бажарадиган ускуналарни о'зига олган;
- Паст қисмда ранглар атласи - яратилаётган ёки таҳрир қилинаётган тасвирни бо'яш ранглари танлаш имкониятини беради;
- Ҳолат сатри.

Паинт дастурининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Янги тасвир яратиб, уни сақлаш.
- Ҳужжатни бошқа ном ва кенгайтма билан сақлаш;
- Тасвирни рақамли фото камера ёки сканердан киритиш;
- Тасвирни таҳрирлаш;
- Тасвирни чоп этиш;
- Тасвирни о'чириш;
- Тасвирни Windows операцион системаси иш столига жойлаштириш.

Паинт дастурида тасвир устида барча амаллар ускуналар панели ёрдамида амалга оширилади.

Ускуналар панели қуйидаги анжом-ускуна ва ускуналардан ташкил топган:

Тасвирда ихтиёрий шаклдаги зарур соҳани белгилаш (бундан кейин уни хотирага ко'чириш, кесиб олиш, нусхасини жойлаштириш, бошқа хужжатга о'рнатиш каби вазифаларни бажариш мумкин).

Тасвирда то'ғри то'ртбурчак шаклда зарур соҳани белгилаш (бундан кейин уни хотирага ко'чириш, кесиб олиш, нусхасини жойлаштириш, бошқа хужжатга о'рнатиш каби вазифаларни бажариш мумкин)

О'чирғич (ластик) ускунаси тасвирдаги керак бо'лмаган соҳаларни о'чириш имконини беради.

Бо'ёқ қуйиш (заливка) ускунаси бирор бир шакл ёки соҳаларни ранг билан то'лдириш (бо'яш) имконини беради. Агарда шакл ёки соҳада уланмаган жойлар мавжуд бо'лса ранг қо'шни соҳаларга ҳам о'тиб кетади (оқиб кетади).

Рангни танлаш (пипетка) ускунаси ранг танлаш учун ишлатилади

Масштабни ко'рсатиш ускунаси тасвир ко'ринишини яқинлаштириш ёки узоқлаштиришга хизмат қилади

- Қалам ускунаси - ихтиёрий чизиқларни чизиш учун;
- Кист (Мо'й қалам) ускунаси;
- Аерозол (бо'ёқ сепиш) ускунаси;
- Тасвирда матн ёзиш ускунаси;
- То'ғри чизиқ чизиш ускунаси;
- Эгри чизиқ чизиш ускунаси;
- Тўртбурчак чизиш ускунаси;
- Ко'пбурчак чизиш ускунаси;
- Айлана, эллипс чизиш ускунаси;
- Бурчаклари ёй шаклидаги то'ртбурчак шаклни чизиш.

Паинт дастурида тасвирни сақлаш учун клавиатурадаги Стрл+С тугмаларини босиш ёки Файл менюсидан Сохранит (Сақлаш) фармоишини танлаб, ҳосил бо'лган мулоқот ойнада Имя файла (Файл номи) сатрига файл номини киритиб, Сохранит (Сақлаш) тугмасини босиш керак. Паинт дастурининг файллар ишчи кенгайтмаси \*.бмп ҳисобланади, лекин тасвир файлини \*.жпг, \*.пнг, \*.тиф, \*.гиф каби кенгайтмалар билан ҳам сақлаш мумкин. Бунинг учун Файл менюсидан Сохранит как... (каби сақлаш) буйруг'ини танлаб, ҳосил бо'лган мулоқот ойнасида Тип файла (Файл тури) сатрида файл кенгайтмасини танлаб, Сохранит (Сақлаш) тугмасини босиш керак.

### **Растрли форматлар.**

Растрли форматлар элементар нуқталардан ташкил топади (пикселлардан). БМП растр форматли график файлда тасвир нуқталарининг координаталари ва уларнинг ҳар бири учун ранг қиймати сақланади. Кичик имкониятли файл бўлганда ҳам унинг хажми жудаям катта бўлади. Маълумки, растрли тасвирнинг бундай кодлаштириш усули кўп холларда олиб борилади. Зарари: масалан, расмнинг бир тондаги соҳаси бир хил рангдаги координаталар тўплами уни комплект (умумий, тўлиқ) рок кўринишда ёзиш мумкин бўлган вақтда мос келади.

ГИФ форматдаги файлларда яқин жойлашган 1 хил рангдаги нукталар горизонтал чизикда гуруҳланади. Бу график файлнинг ўлчамини маълум даражада қисқартиришга имкон беради. Лекин ГИФ форматда ҳали фотографияни мувофақиятли сиқишга имкон бермайди, чунки кўпгина турли-туман тусларни горизонтал гуруҳларга бирлашиши эффектив эмас. Интернет ривожланиши билан бу муаммо анча сезилиб қолди, чунки тармоқ бўйлаб кўп миқдорда растр тасвирлар ва айниқса суратлар узатилади.

Шунинг учун тармоқ бўйлаб растр тасвирларни траспортировкаси учун ЖПЕГ формати яратилди. Бу форматда пикселлар ўлчами катталашувчи тасвирни сиқиш алгоритми амалга оширилади. Шундай қилиб, пикселларнинг сони камаяди ва мос равишда график файлнинг хажми қисқаради. Кўзга унча кўринмайдиган маълумот йўқотилади, шунинг учун бундай сиқишда расм сифати амалда зарар кўрмайди. ЖПЕГ форматнинг камчиликларидан бири шуки расм катталаштирсак, сифати сезиларли даражада ёмонлашади – тасвир ячейкалари ҳар хил бўлиб кетади. Тўғри ўзи яраша баъзи фазилатлари ҳам бор – ҳеч ким сизнинг расмингиздан фойдалана олмайди, асалан уни катталаштира олмайди ва чоп этолмайди. Ҳозирги кунда Интернетда кўп суратлар худди шу форматда берилади.

Албатта график файл ўлчами унинг форматига ва тасвир ҳарактерига катта боғлиқ бўлади: бир хил заливкали йирик фрагментга эга расм ГИФ га фотосурат ЖПЕГ га эффектив қисқаради – койда бўйича ГИФ 16анк ўра ЖПЕГ форматда сифат пасайиши кўпроқ кўринади.

ПНГ формати бошқаларга кўра янги ҳисобланади, ҳамда Интернет учун махсус ишлаб чиқарилган. Бу формат 1 та муҳим хусусиятга эга – унда тасвирнинг тиниқлик ниқобини сақлаш мумкин. Ҳамма замонавий браузерлар фойдаланувчилари қўшимча модулларни ўрнатиш заруратисиз бундай форматдаги файлларни кўриш мумкин. ПНГ формати ЖПЕГ формати катта машҳурликка эга бўлгани учун ҳали кенг тарқалмаган.

Бундан ташқари яна график файлларнинг турли хил форматлари мавжуд, койда бўйича маълум бир график редакторлари учун мўлжалланган. Масалан, Мисрософт Гиф Аниматор ГИФ форматининг растр тасвирларининг аниматсияси берувчи бошқа турларида фойдаланади: файлга бир нечта кадрлар жойлаштирилади ва кейин кетма-кет намоиш қилинади. Бундай файлларнинг ўлчами койда бўйича внушителнўй(катта) бўлади. Графикларни экрандаги намоиши ва шунинг учун РГБ рангли моделига мўлжалланган юқорида санаб ўтилган форматлардан фарқли равишда ТИФФ формати РГБни моделидек СМУКни ҳам таъминлайди ва полиграфияда қўлланилувчи универсал растр формат ҳисобланади. ТИФФ форматдаги файл тасвирнинг асосий параметрларни тўлиқроқ сақлайди. ТИФФ формати файлдаги тасвирни сифати йўқотмасдан сиқишга имкон беради ва сиқишнинг турли хил алгоритмларини қўлласа ҳам бу ҳолдаги файл ўлчамини ЖПЕГ файли билан солиштириб бўлмайди.

## **Вектор форматлар**

Графикнинг вектор кўриниши ҳақида тушунчага эга бўлиш уун оддий мисол кўрибўтамиз. Фараз қиламизки расмда ёй бўлсин. Растр форматда ёй ва фоннинг ҳар бир нуқталарини координаталари ва ранглари сақланади. Лекин ёй формасини ёзиш учун атиги 4 та геометрик параметрлар керак: радиус, марказ ва ёйнинг бошланғич ва охириги нуқталарининг координаталари, яъни бизга ёйнинг 4 та нуқтаси керак, 100 тасини эмас.

Вектор графикда тасвир элементлари худди параметрлар тўплами билан геометрик объектлар кўрилади. Биз ҳеч қандай маълумотларни ёқотмасдан катта фойда оламиз. Расм манипуляцияси ҳам соддалашади: масалан ёй радиусини ўзгартириш орқали тасвирни масштабини анча осон олиш мумкин. Эгри чизиқларни математик ифодалаш учун одатда мураккаб эгри чизиқ котурлари ёрдамида кўрсатиш мумкин бўлган эгри Безе кўлланилади. Вектор графикдаги шаклларнинг рангли параметрлари заливканинг мураккаб турларини ҳам осон ва жуда аниқ тасвирлаш имконини берувчи формулалар ёрдамида ҳам берилади.

Вектор тасвирнинг камчилиги шундан иборатки худди растрли расмдагидек улар оригинални ҳақиқий қилиб кўрсата олмайди. Шунинг учун вектор графика расмнинг элементларини аниқликни талаб қилганда ишлатилади, растраяда эса агар фотосуратнинг табиийлиги керак бўлса. Турли иловалар ўзига хос стандартлари билан ўзаро алмашувчи кенг кўлланиладиган вектор формат деб ЭПС ни ҳисоблаш мумкин, лекин амалиётда кўпинча вектор графикни сақлаш учун кенг тарқалган график редакторларнинг шарҳи яъни Сорел DRAW ёки Адоб Иллюстратор ифвектор редакторларининг ишчи форматлари СДР ёки АИ ишлатиш қулай бўлади. Одатда типография улар билан ишлашни хоҳлайди, редакторнинг ва унинг версиясини аниқ танлови эса дизайнерлик гуруҳининг бошқаруванинг шахсий хоҳшига боғлиқ. Вектор графика албатта компьютер анимацияси қатъий татбиқини топди. Оддий филм қилиш учун масштаб ўзгаришини ва шакл ҳаракатланиш троекторияси ҳисоблаш керак, кейин эса генерируемўх кадрларнинг сонини аниқланади. Бизга филмнинг ҳамма кадрларини сақлашга ва алоқа тармоқлари орқали тарқатишга тўғри келмайди-биринчи кадрни, троектория формуласини, сўнгги кадрнинг масштаб коэффитсентини ва кадрни кўрсатиш тезлигини юбориш этарли. Бу файл хажмида ва тармоқ бўйлаб юкланиш тезлигида ютуқ беради. Фойдаланувчи браузерни формула бўйича ҳисобини бажарувчи ва филмни кўриш учун ҳамма кадрларни сгенерирует-чи модулга эга бўлиши керак, чунки монитор экранда тасвирни кўрсатиш притсипи асосий бўйича растрли ҳисобланади. Ҳозир компьютерлар этарли даражада тез ишловчи ва протсеСсорларнинг ҳисобловчи қуввати алоқа каналининг узатиш қобилиятининг имкониятини маълум даражада қувиб ўтади, Интернет фойдаланувчиларнинг веб-саҳифа безашга талаби борган сари ўсмоқда. Энди уларга оддий сайтлар қизиқ эмас, улар тез юкланувчи жонли динамик графикаларни кўришни хоҳлашади. Бу эрда дизайнерга веб-саҳифаларга мултфилмларни жойлаштиришга имкон берувчи махсус технология Флаш технологияси ёрдамга келади.



Дизайнердан фақатгина Масромедиа Флаш 5 дастурини тўғри фойдаланиш талаб қилинади.

Векторда аниматсия графикаси SWF форматида сақланади. (бу формат вектор филм намоиши учун браузерлар томонидан ишлатилади).

## **2-Мавзу: Асосий ранг моделлари**

### **Режа**

2. Ранг назарияси асослари
2. Ранг моделлари
2. Ранг чуқурлиги
2. Рангларни кодлаш

**Таянч иборалар:** ранг модели, палитралар, СМЙК, СМЙ, РГБ, ХСБ, ХСВ, ХЛС, ЛАБ, ранг чуқурлиги, рангни кодлаш, рақамли тасвир.

### **Ранг моделлари**

Рангли модел–полиграфияда ёки мониторинг рангли каналларида фойдаланиш мумкин бўлган бўёқларнинг чегараланган сони ёрдамида ранглар намоиш қилинадиган тизим. Турли хил рангли моделларда ранглар турлича формулалар ёрдамида ифодаланади.

Рангли моделни ранглар тўплами, яъни рангли модел компонентлари бирикмаси ёрдамида ҳосил бўладиган палитра билан адаштирмаслик керак.

Яна рангли моделни тасвирни кодлаштириш усули билан аниқланадиган файл формати билан адаштирмаслик керак (файл форматлари билан ушбу бобнинг кейинги бўлимларида танишасиз). Масалан, файл пробал.гиф куйидаги параметрларга эга бўлиши мумкин: РГБ – рангли модел, Web сафе – палитра, растр тасвир тури, ГИФ – форматли файл.

Рангли модел чоп этишга ёки тасвирни мониторда намоиш қилинишига қараб асосий рангларни ажратиш ёки қўшиш ёрдамида тус яратишни мўлжаллайди.

Ҳар хил рангли моделлар рангли полиграфияга йўналтирилган. Улар сиртдан тасвирланган рангларга (спектрни маълум қисмини ажратишдан ҳосил бўлувчи) асосланган ва шунинг учун бундай моделларда 2 рангнинг бирикмаси уларнинг алоҳида-алоҳида кўринишидан тўқроқ кўриниш беради. Бундай моделнинг техник тадбиғида тиниқ бўёқлар билан чоп этилувчи бир неча (одатда 3-4) ранглар ишлатилади. қоғозга бирин-кетин ранглар берилади, уларнинг бирлашмаси туслар тўпланини ва сифатли рангли тасвирни беради. Чоп этишда тиниқ сиёҳлар билан биргаликда барча фойдаланадиган туслар бўёқларига эга бўлиши муҳим, у жуда ноқулай ва натижада чоп этиш сифати маълум даражада пасаяди. Тўғри бу усул маълум бир рангни аниқ танлашга имкон беради, (масалан, логотипнинг аниқ тусини намоиш қилиш талаб қилинганда) ҳамда агар ранглар тўплами чегараланган бўлса, хом-ашёни тежайди, - масалан, фақат қора ва қизил ишлатилади.

Ранглар қўшилмаси асосидаги рангли моделлар монитор экранида тасвир демонстрацияси учун ва турли хил кўринишдаги программа маҳсулотлари учун кенг қўлланилади.

Аддитив моделлар (разностнўх) бошқа моделлардан фарқли равишда нур тарқатувчи ранглар орқали ифодаланади ва уларда нурлар қўшилмасининг натижаси, алоҳида қаралганлигидан ёрқинроқ. Агар сиз веб-сайтлар ёки презентация туридаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланишни режалаштирган бўлсангиз, у ҳолда сизга ана шундай рангли моделлардан фойдаланишга тўғри келиб қолар.

### **СМЙК рангли модели.**

Полиграфияда асосий профессионал график редакторларда стандарт бўйича таклиф қилинувчи энг кўп тарқалган ранг модели. Бу моделнинг номи кўпқаватли чоп этишда қўлланиладиган 4 та тиниқ бўёқлардан келиб чиққан. Нашриётда чоп этиш қоғозга кетма-кет ҳар бир клишеларга берилиб борилади. Сиёҳ тиниқ бўлгани учун уларни бир жойга бериш мумкин ва шу тарзда миллионлаб ранг туслари олинади.

### **СМЙ, СМЙК рангли модел.**

Бу модел мутахассислар томонидан кам ишлатилади. Баъзи бир принтерлар тусларни намойиши учун атиги 3 та рангдан фойдаланилади.

3та асосий ранглар қўшилмасидан ҳосил бўлган қора ранг, афсуски тўйинганлиги талаб даражасида эмас. Ҳа, айтганча, қора рангнинг тежалиши бошқа бўёқларни кўп сарфланишига олиб келади, бу уйдаги тез ишловчи принтерларида яхшигина билинади.

### **РГБ модели.**

Бу кенг тарқалган рангли модел бўлиб, монитор экранида тасвирни қайта тиклаш учун мўлжалланган. Унда монитор 3 та нур ранглари фойдаланилади: кизил, яшил, кўк. Ҳар бир нурнинг интенсивлиги 0 дан 255 гача бўлган қийматларни қабул қилиши мумкин. Рангли каналнинг интенсивлиги қанчалик кам бўлса, ранг шунчалик тўқ, кўп бўлса, шунчалик оч ранг бўлади. Учала рангимизнинг интенсивлиги 0 бўлса, қора рангни оламиз ва аксинча барча рангли каналларимиз 255 қийматини берсак, умуман оқ рангни олишимиз мумкин.

Бу моделнинг асосий камчилиги шундан иборатки, тасвир хусусиятини керак бўлган сифатли полиграфия учун сақлаш имконияти йўқлигидадир. Сабаби «компютер» моделлари билан солиштирганда СМЙК рангли гамма модели чегараланган, равшанлиги ва тўйинганлиги эрканнинг ёруғлиги билан таъминланган кўпгина рангларни қоғозга олиш имконсиз. Шунинг учун дизайнерларга керакли модел билан дарҳол ишлаши ва «қоғоз» графикасида СМЙК моделидан фойдаланиши учун у нимага тасвир тайёрлаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши муҳим. Чунки бир моделдан 2-моделга ўтаётганда тасвирнинг сифати яхшиланиш ўрнига камаяди.

### **ҲСБ, ҲСВ, ҲЛС моделлари**

Инсон кўзи қабул қиладиган рангларни нусхасини олишдаги ҳаракат бу моделларнинг асосида ётади. ҲСБ модели ҳар бир рангни туси, тўйинганлиги ва ёрқинлиги билан аниқланади. Баъзи пайтларда у ҲСВ ва ҲЛС деб номланади. Бу моделларни ранглар тўпламидан фойдаланиш қулай, лекин кўпгина дизайнерлар РГБ модели қониқтиргани учун бу моделлардан фойдаланишмайди.

### **ЙИҚ модели.**

Бу модел моҳияти бўйича таниқли НТСИ Америка телевизион стандартининг компьютер вариантыдир. Ранг фақатгина ёрқинлиги ва 2та хроматик компонентлари орқали ифодаланади. Бу рангли телевидиние учун қулай, лекин жуда керакли пайтдагина бу моделдан компьютер ёки чоп этиш учун фойдаланиш мумкин.

### **ЛАБ модели.**

СМЙК, РГБ ва НСБ моделларининг яхши хусусиятлари мужаСсамлашган янги модел. ЛАБ модели рангларни аъло даражада тасвирланишини экранда намойиши учун мос бўлганидек, 4 хил рангли тиниқ бўёқлар орқали чоп этиш учун мосдир. Бу модел ўзгача хусусиятларга эга бўлгани билан дизайнерлар эски одатларини ташламаганлари учун бу моделни кам фойдаланишади. Бу модел назарий жиҳатдан аппаратно-мустақил, яъни мониторга боғлиқ бўлмаган равишда тасвир сифатли бўлишини таъминлаши лозим. Модел ёрқинлиги, яшил ва қизил, кўк ва сариқ ранглар интенсивликларининг ўзаро нисбати хақида маълумот сақланади.

Ранг тушунчаси одам (одамнинг кўзи) ёруғликни қандай қабул қилиши билан боғлиқ.

Ёруғликни ўз навбатида икки хил тушуниш мумкин – ҳар хил энергияли заррачаларнинг оқими (у ҳолда рангни заррачаларнинг энергияси аниқлайди), ёки электромагнит тўлқинларнинг оқими (бу ҳолда ранг тўлқин узунлиги  $\lambda$  орқали аниқланади ).

Кўринадиган ёруғлик бу 400-700 нм (нанометр) гача бўлган тўлқин узунлигига эга электромагнит тўлқинлар.

Ранг одамнинг кўзида туғилади. Одамнинг кўзи ёруғликни қандай қабул қилишини кўрамыз.

Кўзнинг “сетчаткаси“ фоторецепторга эга – “колбочки”. Улар тор (энсиз) спектрал эгри чизиқлар билан характерланадилар (тавсифланадилар) ва ранг ҳиссиётига эга. Улар (“колбочки”) уч хил бўладилар – узун, ўрта ва қисқа тўлқинлар ҳиссиётига жавоб берувчи. Улар (“колбочки”) томонидан бериладиган қиймат спектрал функция  $I(\lambda)$  билан ҳиссиёт вазний функциянинг интеграллаш натижаси.

Расмда уч хил типдаги “колбочёк” лар учун ҳиссиёт функцияларнинг графиклари келтирилган.

Шундай қилиб, одам кўзи спектрал функция учун  $I(\lambda)$ , мос равишда учта сонни қуяди

(Р,Г,Б) ва улар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:


$$R = \int I(\lambda)P_R(\lambda)d\lambda,$$

$$G = \int I(\lambda)P_G(\lambda)d\lambda,$$

$$B = \int I(\lambda)P_B(\lambda)d\lambda.$$

Бу ерда:  $P_R(\lambda)$ ,  $P_G(\lambda)$ ,  $P_B(\lambda)$  – мос равишда, ҳар-хил типдаги «колбочёк» ларнинг вазний ҳиссиёт функциялари.

Одам кўзининг умумий ҳиссиёти учун жавоб берувчи эгри чизиқни графиклини олиш учта эгри чизиқлар графиклари ўзаро йиғилади.





Аслида айрим графиклар манфий қийматларни ҳам қабул қилишлари мумкин. 1931 йилда Ёритиш (Ёруғлик) бўйича Халқаро Комиссия (ЁХК)си (СИЕ-Сомиссион Интернационале де Льеслаираге) гипотетик идеал кузатувчи учун стандарт эгри чизиқларни қабул қилди. Улар ёрдамида ХЙЗ ранг модели қурилади, бунда х,й,з асосий ранглар. Х,Й,З нинг қийматлари қуйидаги муносабатлар орқали ифодаланади:

$$X = \int I(\lambda)x(\lambda)d\lambda,$$

$$Y = \int I(\lambda)y(\lambda)d\lambda,$$

$$Z = \int I(\lambda)z(\lambda)d\lambda.$$

Ушбу учта сонлар орқали одам кўзи қабул қиладиган ихтиёрий рангни бир қийматли ифодалаш мумкин.



Айтиш жоизки Й ранги учун жавоб берувчи энергия тақсимоти эгри чизиғи одам кўзининг ёруғликка бўлган ҳиссиёт спектрал эгри чизиғи билан устма-уст тушади.


### РГБ ранг модели (системаси)

РГБ (ред-қизил, греен-яшил, блуе-кўк) ранг модели энг оддий деб ҳисобланади.

Бу ранг модели аддитив, яни бирор бир керакли рангни ҳосил қилиш учун унинг асосий ранглари йиғилади. Барча бу система орқали ифодаланувчи ранглар бирли кубни ташкил қилади (яни унинг ичида ётади).

Кубнинг бош диагонали, яни барча асосий ранглар микдори баробар, кул рангларни беради, яни корадан (0,0,0) оқ (1,1,1) ранггача.

СИЕ ХЙЗ системасидан РГБ системасига утиш учун қуйидаги муносабатлардан фойдаланилади:



$$\begin{pmatrix} R \\ G \\ B \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 3,240479 & -1,537156 & -0,498535 \\ -0,969256 & 1,875992 & 0,041556 \\ 0,055648 & -0,204043 & 1,057311 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} X \\ Y \\ Z \end{pmatrix}$$

Агар бирор бир ранг РГБ системаси орқали ифодаланиб бўлмаса у ҳолда унинг бирорта бир асосий рангги ёки манфий (<0) ёки бирдан катта (>1).

Тескари алмаштришни топиш учун тескари матритсадан фойдаланилади.

РГБ ранг модели бир қатор видео қурилмаларда ишлатилади, хусусан рангли телевизион мониторларда.

### **СМЙ ранг модели.**

Рангли босмага чиқарувчи қурилмаларда СМЙ (сян-мовий, хаворанг; магента-пушти, малиновый; еллоу-сарик) ранг модели тез-тез ишлатилади. Мовий, пушти ва сарик асосий ранглар қизил, яшил ва кўк рангларни тўлдирувчи бўладилар.

СМЙ ранг модели-субтрактив, яъни бирор керакли бўлган рангни ҳосил қилиш учун асосий ранглар оқ рангдан айрилади.

Мовий ранг қоғозга туширилаётган қизил ранг тўлик ютилади, яъни мовий ранг тушаётган оқ рангдан (қизил, яшил ва кўк рангларнинг йиғиндиси) қизил рангни айириб ташлайди. Пушти ранг яшил рангни ютади, сарик ранг эса – кўк рангни. Мовий ва сарик ранглар билан бўялган сирт қизил ва кўк рангларни ютиб фақат яшил рангни қолдиради.

Мовий, сарик ва пушти ранглар қизил, яшил ва кўк рангларни ютиб натижада қора рангни қолдиради.

Юқорида келтирилган муносабатларни қуйидаги формула орқали ифодалаймиз:

$$\begin{pmatrix} C \\ M \\ Y \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 \\ 1 \\ 1 \end{pmatrix} - \begin{pmatrix} R \\ G \\ B \end{pmatrix}$$

РГБ ранг моделидан СМЙ моделига ўтиш қуйидаги муносабатлар орқали бажарилади:

$$\begin{pmatrix} R \\ G \\ B \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 \\ 1 \\ 1 \end{pmatrix} - \begin{pmatrix} C \\ M \\ Y \end{pmatrix}$$

Айрим сабабларга кўра қора рангни ҳосил қилиш учун учта асосий ранглардан фойдаланиш ноқулай. Шу сабабли СМЙ моделининг асосий рангларига қора (бласс) қўшилади ва натижада СМЙК ранг модели ҳосил қилинади.

СМЙ ранг моделидан СМЙК моделига ўтиш учун қуйидаги муносабатлардан фойдаланамиз:

$$K = \min(C, M, Y),$$

$$C = C - K,$$

$$M = M - K,$$

$$Y = Y - K.$$


## ЙИҚ ранг модели

Телевиденияда ЙИҚ ранг модели кенг фойдаланилади. Бу модел РГБ ранг моделининг бир варианты ҳисобланади, эфирга узатиш эффективлигини ошириш мақсадида ишлатилади ва оқ-қора телевидения билан ишлашни таъминлайди.

РГБ ранг моделидан ЙИҚ моделига ўтиш учун қуйидаги муносабатдан фойдаланилади:

$$\begin{pmatrix} Y \\ I \\ Q \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0,30 & 0,59 & 0,11 \\ 0,60 & -2,28 & -0,32 \\ 0,21 & -0,52 & 0,31 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} R \\ G \\ B \end{pmatrix}$$

Тескари алмаштришлар учун тескари матрицадан фойдаланилади.



## ҲСВ ранг модели

Юқорида келтирилган РГБ, СМЙ(К) ва ЙИҚ ранг моделлари қурилмалар учун мўлжалланган ва одам томонидан ранг бериш учун ноқулай.

ҲСВ( Ҳуе-тон, сатурацион-тўйинганлик, валуе-ёруғлик қиймати) ранг модели фойдаланувчига мўлжалланган бўлиб рангни тон, тўйинганлик, ёруғлик қиймати каби тушунчалар орқали бериш имконини беради.

ҲСВ моделида цилиндрик координаталар системаси ишлатилади, барча ифодаланувчи ранглар эса олти қиррали конусни ташкил қилади (юқоридаги расм).

Конуснинг асоси ёруғ рангларга мос келади ( $V=1$ ). ОВ ўқи кулрангларга мос келади ( $C=0$ ), бу ҳолда яни  $C=0$  булганда  $X$  нинг қиймати аниқланмаган булади (ҲУЕ\_УНДЕФГИУНЕД) .

Тон  $H$  бурчак градуси билан ўлчанади,  $0^0$  га кизил ранг мос келади ,  $120^0$  га эса яшил ранг ва х.к.


ҲСВ ранг моделини ифодаловчи асосий қийматлар мос равишда қуйидагича ўзгаради :

$$0^0 \leq H \leq 360^0, \quad 0 \leq S \leq 1, \quad 0 \leq V \leq 1.$$

оқ ранга  $C=0, V=1$  мос келади , қора ранга эса  $V=0$  .

### ҲЛС ранг модели.

ҲЛС (Хуе–тон, Лигхтнесс–ёруғлик, Сатуратион–тўйинганлик) ҲСВ моделининг модификацияси бўлиб у орқали ифодаланувчи ранглар иккита олти қиррали ва асослари бирлаштирилган конусни ташкил қилади. Оқ ранг юқорига силжитилган (қуйидаги расм).



### Кул ранг туслари (Грайссале).

Қора-оқ чоп этиш тартиби бўйича ранглиниқидан кўра паст қийматда; бу билан ранг тақсимланиш зарурати ҳам йўқолади: чоп этиш учун 1та клиша етарли. Файл ўлчами кичиклашади. Бу моделда одатда кул ранг тонини 256 градацияси ва 1 та рангли канал ишлатилади (қора ранг). Кичик ўлчамли файллар баъзида (жуда кам ҳолларда) Интернетдаги яримтонли тасвирлардан фойдаланганимизда хизмат қилади, бу ҳолда тасвирни РГБ га келтиришимиз керак. Қора–оқ вариантнинг тусларсиз намоиши ҳам бўлиши мумкин

### Палитралар

Аниқ бир график тасвир учун фойдаланадиган бирор бир рангли модел асосида ташкил қилинган ранглар тўплами палитра дейилади. Палитрада ранг қанча кам бўлса, шунча кам тасвир файли бўлади. Мустақил равишда палитрани яратиш мумкин.

Палитра нима учун керак? Графикли файлда ҳар бир пиксел учун ранг қийматини беришга тўғри келади. (тасвирнинг элементар бирлиги) график файлнинг танасида тасвирнинг барча пикселларини таснифи РГБ моделининг ташкил қилувчиларини қиймати орқали беришили файлнинг ҳажми узлуксизлик олиб келиши мумкин, графика эса шундоқ ҳам қаттиқ дискда катта жой эгаллайди. Керакли маълумот ўлчамини камайтириш учун фойдаланадиган ранглар сонини камайтириш (ихтиёрий ранг бўлиши мумкин) ва ранг қиймати билан эмас, балки унинг аниқ код номери билан сақлаш ва уни РГБ график редакторни қайта ишлатишда ёки дастур кўришда санаб ўтилиши керак. Масалан агар палитра ўлчами 1 бит бўлса, (фақат қора-оқ ранг) у ҳолда тасвирнинг ҳар бир пиксели 1 бит жойни эгаллайди (1 ёки 0 қиймат



қабул қилади). 16 битли палитра билан тасвир рангли бўлади, лекин бўёқларни яхши бўлгани маъкул. Керакли сифатдаги рангли узатишни таъминланади, қачонки ҳар бир пиксел учун палитрада 16 млн. ранг тартибини берувчи 24 битни юритилса(бу режим True солор деб номланади). Бунда ранг одатда 3та рақам кетма-кетлиги кўринишида ёзилади (16лик санок системасида): масалан, #ФФФФФФ – оқ ранг, #000000 - қора, #ФФ0000 - қизил, #00ФФ00 – яшил, #0000ФФ – кўк, #ФФФФ00 – сариқ, кўк-хаворанг эса - #3366СС

### **Бевосита фойдаланиладиган палитралар.**

ПрофеСсионал тарзда қурилган График редакторларидаги по умолчанию палитраларидан фойдаланиш осон ва қулай бўлади: Дефолт СМЙК чоп этиш учун, Дефолт РГБ экранда намоиш қилинадиган презентатсиялар учун.

### **График файллар форматлари.**

Ранг тушунчаси. Инсоннинг кўриш аппарати. Рангни қабул қилиш. Компютер графикасида аддитив ва субтрактив ранглар. Ранг модели ва режими тушунчаси. ГраСман қонуни. Рангнинг пиксел чуқурлиги. Қора –оқ режим. Яримтон режими. Ранг моделлари турлари (РГБ, СМЙК, ХСБ, Лаб) ва уларнинг устунлик ва камчиликлари. Рангни кодланиши.

### **Веб учун хавфсиз палитра.**

Браузерлар намоиши учун хавфсиз палитрада тўхталиш алоҳида таъкидланади. Бу катта бўлмаган палитра – ҳаммаси бўлиб 216 та ранг – Интернет Эхплорерда бетларни очилишини тезлаштириш учун ўрнатилган, уни Интернет тармоғи орқали жўнатиш керак эмас. Агар сизнинг ранг хавфсиз палитра билан тўғри келмаётган бўлса, у палитрада мавжуд бўлган ранглар кўшилмаси орқали браузерда яратади ва кейинчалик ўчириб юборади. Шунинг учун Интернетга тасвир тайёрлаётганда ранглар бузулиш хавфини камайтириш учун бу палитрадан фойдаланиш албатта керак.

### **Кул ранг нозик турлари палитраси.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қора-оқ офсет усулида чоп этиладиган тасвир ва хужжатларни тайёрлашда бу палитра идеал ҳисобланади; профеСсионал верстка учун тасвирни ўтказиш ҳам лозим. Бу палитралар шу номдаги рангли модел билан яхши мослашади. Қоида бўйича дизайнер сифатли тасвирларни рангли вариантини тайёрлашига тўғри келади.

### **1 бит.**

Бу палитра қора-оқ тасвирни беради, файл ўлчами маъносида энг тежамкор. Палитра 2 та оқ ва қора ранглардан ташкил топади. Юқори даражали чоп этиш учун ҳам мос келади, лекин тасвир сифати анча пасайиши мумкин. Тасвирни бу палитрага ўтказиш қора ва оқ орасидан ўтказиш бошланишида аниқланишидан иборат.

### **Кул рангнинг 256 туслари**

Кул рангнинг 256 нозик турларидан иборат палитра. Бу ҳол учун ТИФФ файл форматини қўллаш тавсия этилади. Интернетда кул рангнинг нозик турлари унча қўлланилмайди. ГИФ форматигадаги тасвир кам учрайди.

### **Перцент оф грай**

Чернотларнинг фоизлари орқали ифодаланадиган кул рангнинг тусларидан иборат палитра. Олдингисидан кўра камроқ ишлатилади.

### **ПАНТОН системасининг палитралари**

Бу палитралар кейинги ранг тақсимланишлар учун яхши мос келади, по умолчанию палитрасидан кўра СМУК системасида кам қўлланилади, лекин керак пайтда улардан фойдаланиш қийин эмас. Ранг тақсимланишидан кейин олдингисидан кўра графикли редакторда яратилган сифатли туслар орқали ҳосил бўлган ва сиз фойдаланмоқчи бўлган чоп этиш жараёнига мос келувчи тасвир ҳосил бўлади.

- ПАНТОНЕ ҳеҳачроме – бу палитрада 6 хил бўёқ ишлатилади (ҳаво ранг, сариқ, яшил, қора, тўқ сариқ ва тўқ қизил).
- ПАНТОНЕ металлис солорс – ёрқин бўлмаган рангнинг металлик тусларидан иборат.
- ПАНТОНЕ матчинг сйстем – системанинг мослашган ранглари. Ёрқин ва лакланмаган қопламага мўлжалланган, яхшиси унинг сифатини аниқлаш учун редакторда бу палитрани кўриш.
- ПАНДОНЕ просесс солор сйстем – учталиқ ранглар. Биринчи 2000 туслар 2 та бўёқ аралашмасидан фойдаланишади, қолганлари 3та ёки 4та. Муҳим томони уларнинг кўрсатилган қиймат кетма-кетлигини қабул қилади.
- ПАНТОНЕ пастел солор – пастел туслар. Ёқимли оз тўйинган бўёқлар, ёрқин хира туслар. Бу системанинг кўпгина палитралар сингари «болача» дан кўра кўпроқ стилли тасвирларга мос келади.

### **Бошқа палитралар**

- Униформ солорс – 256 та ранглардан иборат аппаратно-муствақил базали палитра.
- Труматч солорс – смук учун сифатли ранг тақсимланишни таъминловчи палитра. Тон, тўйинганлиги ва ёрқинлиги бўйича аниқ тартибда тақсимланган ранглар.
- ХҚС солорс – фиксирланган ранглар тўплами.
- Фосолтоне солорс – СМУК системаси бўйича 4 ранг аралашмаси учун қулай созловчи палитра. Туслар сонини 1 тага камайтириш учун бу палитрада ҳар бир ранг бир – биридан камида 10%га фарқ қилиши керак. Лекин ҳамма график редакторларда ўрнатилмаган.
- Лаб солорс – Лаб рангли модел учун махсус мўлжалланган палитра.
- Дис солорс – махсус стандартдаги япон палитраси, мултипликатсияда кўп қўлланилади. Кўпгина дизайнерларга ундан фойдаланишга дуч келмайдилар.

- Тоё солор финдер – телевидение учун кулай палитра. Рангларни СМЙК, РГБ, ЛАБ ўзгартиришда керак. ТОЁ стандартида ишлашга мўлжалланган.
- Сперта мастер солорс – «Дюпон» фирмасининг типографик бўёқлари билан чоп этиш учун махсус палитра. Бу фирманинг бўёқлари юқори сифати ва кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Бу палитра графопостроителларда ҳам кўп ишлатилади.

### **Ранг тақсимланиш.**

Рангли полиграфияда ранг тақсимланиш жараёни муҳим. У типография учун фотоформ тайёрлашни ўз ичига олади. Аввал ранг тақсимланган плёнкалар тайёрланади – бу плёнкаларда типографияда фойдаланадиган ҳар бир ранг бўёғи учун алоҳида қилинган тасвирлар бўлади. Плёнкадаги расм одатда кул ранг, лекин у кул ранг тусларини эмас, балки шу плёнкага мос келадиган рангли канал ёруғлигини беради. Плёнкалар махсус принтерларда қилинади, лекин уларнинг электрон кўринишини мустақил тайёрлаш ва типография ёки шундай принтерларга эга организатсия (сервисбюро) тайёр файлларни чоп этиш учун плёнкаларни бериши мумкин.

### **Фотоформалар тайёрлаш**

Тайёр ранг тақсимланган плёнкалар ёруғлик сезувчи металллик пластинкалар рўпарасида жойлаштирилади ва улар ёрдамида ёрилади. Сўнг эса ёритилган пластинкалар химик усул билан сингдарилади, сингдириш чуқурлиги пластинка нуқтасининг ёритилганлигига боғлиқ, ёрилиш кўп бўлса сингдириш чуқурлиги ҳам кўп бўлади. Бу пластинкаларни офсет босмада қоғозга ранг тушириш учун ишчи сирт сифатида типографик машиналарда ишлатиш мумкин, оддий канселяр штамп каби. Ушбу пластинкаларни тайёрлаш умумий босма нархини асосий қисмини ташкил этади, айниқса кам тиражларда. Рангли босмалар учун ҳар бир ранг учун алоҳида пластинкалар керак бўлади ва босма ҳар бир ранг учун алоҳида бажарилади, оқ-қора ва кул ранг туслари учун эса битта пластинка этарли.

### **Ранг чуқурлиги.**

Тасвирнинг ранг чуқурлиги -1 пикселнинг ранги ҳақида маълумот сақлаш учун ажратилган битлар сони билан аниқланади. Энг қуйи сифати бу ранг узатиш учун атиги 1 бит керак бўладиган қора-оқ расм. Биз қанчалик кўп битлардан пикселда фойдалансак, шунча тусларнинг умумий сони кўп, биз чуқурроқ рангларга эга бўламиз, лекин бир вақтнинг ўзида тасвир файлининг ўлчами катталашиб боради. График файлларнинг ўлчами баъзида Трубе солор (пикселда 3 байт) режимидан фойдаланишга тўсқинлик қилади, тасвир сифати пастлиги туфайли сифатли чоп этиш имконияти йўқолади. Одатда тасвирнинг файл ўлчамини камайтириш учун волевўм эчим билан ранг чуқурлигини камайтиришга тўғри келади. Замонавий мониторлар ранг чуқурлигининг барча қийматларида ишлатишга қодир.

### **Имкон берувчи қобилият.**

Ихтиёрий чиқариш қурилмасида (мониторларда ва принтерларда) растрлаш қўлланилади – кичик ячейкаларга тасвир бўлинади, бир хил ранг билан тўлдирилади натижада растрли тўр деб номланувчи тасвирга айланади. Чиқариш қурилмасининг сифати унинг имкон берувчи қобилияти – растрли тўрнинг 1 дюйм узунликдаги кесимдаги нуқталар сони билан ҳарактерланади. Имкон берувчи қобилият – бу тасвирнинг 1 дюйм узунликка эга кесимга монитор ёки принтер томонидан киритилувчи нуқталар сони. Бу катталиқ дпи да ўлчанади. Тавирнинг имкони қанча юқори бўлса, ўтиш узатишлари шунчалик сифатли, ранглар файл ўлчамидан шунчалик катта. Баъзида аниқ тасвир учун маълум бир рухсатни қатъий бериш зарурати туғилади: натижада расм масштаби ўзгариши мумкин, мос равишда имконият ҳам ўзгариши мумкин, шундай қилиб, уни мажбурий бериш орқали биз сифат пасайиши хавфини камайтиришимиз мумкин. Бундан ташқари сифат йўқолиши ва юқори сифатли қурилмада оддий экран томонидан рухсат этилган тасвир чоп этишга ҳам таъсир қилади. Интернет ва экрандаги презентатсия учун 100 дпи, стандарт бўйича чоп этиш учун 300 дпи этарли бўлади. Агар сиз бошқа чоп этиш қурилмаларидан фойдаланишни режалаштирмаган бўлсангиз, у ҳолда принтерингизни имкониятидан келиб чиқиб тасвир имкониятидан фойдаланишга тўғри келади. Чоп этувчи қурилма имконияти ва шахсий тасвирнинг қўшилиши ҳақида кейинги бўлимларда кенгрок таърифланади.

### **Принтер имконияти ва тасвир имконияти.**

Ҳужжатни чоп этишга тайёрлаш вақтида типографиянинг аниқ чоп этувчи қурилмасининг сифатини эътиборга олишга тўғри келади. Баъзида типография СДР туридаги файлни қабул қилади ва ранг тақсимланишни мустақил ўтказиши, лекин график файлларнинг ранг тақсимланишини дизайнернинг ўзи тайёрлашга тўғри келади. Охириги ҳолда принтер ва тасвир имкониятини мослашувини тўғри топиш керак.

Бу эрда бизга яна битта растр линиятураси деб номланувчи растрлаш характеристикаси керак бўлади: у растр тўрдаги чизик частотасини ифодалайди ва лпи да ўлчанади. Шунини таъкидлаш керакки, узунлик бирлигига чоп этса бўладиган, растр нуқтаси яратиш учун бир нечтаси керак бўладиган «физик» нуқта сони билан принтер имконияти аниқлангани учун имкониятга кўра линиятура доим кам бўлади.

16 чи деб номланувчи қоида мавжуд: 16 га бўлинган растр линиятураси чоп этувчи қурилманинг имкон берувчи қобилиятидан кўп бўлиши керак эмас.

Чоп этилувчи тасвир сифатини яхшилаш учун расмдаги ярим тонларнинг умумий сонини камайтириш кўпинча фойдали бўлади – бу растр нуқталарини майдарок қилишга имкон беради. Масалан, кул рангнинг 256 тусларини ишлатишда 600 дпи имкониятига эга принтернинг яримтон чизик частотаси 37 лпини ташкил этади, растр ячейкасининг ўлчами эса 16\*16 нуқталар ҳосил бўлади, бу эса расмнинг сифати пастлигидан далолат беради. Агар кул рангнинг 100 та туслари билан чегаралансак, яримтон чизик частотаси 60 лпи бўлади ва тасвир сифати яхшиланади.


Қуйидаги стандарт мосликлардан фойдаланиш тавсия этилади: принтер имконияти 2400 дпи, линиятура 110 лпи, кул ранг 256 туслари; принтер имконияти 300 дпи, кул ранг 25 та туслари

### **Текислаш.**

Юқорида айтилганидек, монитор экранидаги тасвир кўринишида бўлади, яъни пикселлардан иборат тўртбурчак тўрга жойлаштирилади. Экрандаги тасвир кўриниши тўртбурчакка яқин пикселлардан иборат экран тўри билан тасвирдаги эгри чизиқли контурлар мослиги билан аниқланади. Албатта, экран графикаси учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки монитор пикселлари ихтиёрий ҳолда сифатли принтернинг растр нукталаридан кўра аниқроқ ва йирикроқдир. Агар 2 рангли соҳани ажратувчи чегара қатъий вертикал ёки горизонтал бўлмаса, у ҳолда қуйидаги савол туғилади: қандай қилиб контурнинг эгри чизиқлигини яхшироқ кўринишга ўтказилади, яъни уни пикселлардан иборат тўртбурчак тўрга жойлаштирилади? Худди шундай муаммолар эгри чизиқли фигураларда эга тасвирни катталаштириш мобайнида ҳам туғилади. (масалан, матн ёзувларида)

Бу муаммони эчишга ёрдам берувчи усуллардан бири контурларни текислаш усулидан: тасвирнинг рангли чегарали яримтонлари билан тўлдирилади натижада контурлар юмшоқлашади ва тасвир бир мунча силлиқлашади. Текислаш эффектини тасвир ўлчамини ва унинг имкониятини ўзгартиришда қўллаш зарурати туғилади. Лекин баъзида бу тасвирни жуда катта размитўюсига ва уни ёмонлашишига олиб келади, масалан, майда шрифт куюқлашиб кўринмай кетади. Шунинг учун ҳар доим биринчи эксперимент ўтказиб натижаларни солиштириб энг яхши вариантини танлаш лозим.


Қуйидаги расмда қора нукталар олдин мавжуд бўлган тасвир олинган аниқ бир рангга эга пикселлар билан ифодаланади, оқларини эса контурнинг ораликлари чегарасида имкониятни катталаштиришда кўпинча тўлдиришга тўғри келади. Уларнинг ранг-баранглиги рангнинг мавжуд бўлган писеллари орасида текис ўтишдек аниқланади.



Тасвирнинг алоҳида пикселлари

Текислашнинг яна бир усули мавжуд–рангларни аралаштириш усули (дитҳеринг баъзида диффузия деб ҳам номланади). Бу ҳолда агар палитраси қирқилса ва тус ораликлар қатори ёқолса, олдин бир хил ранг билан тўлдирилган соҳалар йўқолган палитра тусларини аниқроқ берувчи турли хил рангли пикселлар аралашмаси билан тўлдирилади. Бу билан тасвир кўпинча зернистост(донача донча кўринишга) характериға эга бўлади. Кейинг расмда кўришиб турибдики, аралаштиришни қўлланилганда расм чегаралари хиралашган бўлиб қолади. Бу метод тусларнинг градиент ўтишларини

текислашга имкон беради ва уни босқичлиликдан холос қилади. Веб учун график тайёрлашда бу эффектга эътибор бериш керак— чунки бу иш вақтида график файлларни ўлчамини қатъий чегаралаш зарур ва кўпинча тасвирни унча катта бўлмаган ранглар тўплами билан ГИФ форматига ўтказишга тўғри келади. Бундан ташқари, баъзида браузерларнинг ўзи палитранинг қирқилишини бажаради ва шунда ранглар бузилиши усули бу веб-учун махсус хавфсиз бўлган палитрани ишлатишдир.



Чапда берилган тасвир; ўнгда –ранглар аралаштиришдан кейинги ҳолати.

### **Шрифт**

Замонавий дизайнерлар 100 дан ортиқ шрифтлардан фойдаланишлари мумкин. Шрифтларни бир-биридан катта фарқ қилувчилари унча кўп эмас. Лекин кўпгина фойдаланиладиган шрифтлар кўп дастурларни юкланишини жуда секинлаштиради. Композитсияси 1 бўлимда айтиб ўтилган принциплар шрифт танлашда ҳам риоя қилишимиз керак. Шунинг учун бу боб давомида дизайнернинг амалий иш жараёнида зарур техник аспектларга эътибор қаратамиз. 1-бетда 3-4 дан ортиқ бўлмаган шрифт турларидан фойдаланади, яхшиси 2 таси билан чегараланиш керак. Эксперимент қилиб кўришдан кўрқманг; лекин жудаям киришиб кетманг шуни ёдда тутингки текстни ўқиш ва тушуниш бу асосийсидир. Кўпгина ҳолатларда матн учун оптимал бўлган 3 та стандарт шрифт турларидан бирини танлаймиз. Тимес Нев Роман, Ариал, Соурер. Оқ фонда қора матн осон ўқилади.

### **Пост Сприпт шрифтлари**

Махсус принтерларда вектор тасвирларни сифатли чоп этиш учун Адобе фирмаси Пост Сприпт технологияси ишлаб чиқилган: Тйпе1 форматида шрифт айнан шу технологияси учун мўлжалланган.

Чоп этишга чиқариш учун ҳужжатга принтерда ўрнатилган изохловчи бет ёзув тилида бажарадиган буйруқлар кўйилади.

Пост Сприпт принтерлари уй ва офисларда кенг тарқалган принтерлардан кўра қимматроқ туради.

### **Труе Тйпе шрифтлари**

Аппле ва Мисрософт фирмалари биргаликда стандарт принтерлари ва машҳур операцион системалари Windows учун Труе Тйпе шрифтларини ишлаб чиқилди. Бундай шрифтлар асосий афзал томони – стандарт

принтерларда чоп этиш имконияти Пост Скрипт технологиясидан кўра чоп этиш тезроқ амалга ошади, қиммат махсус принтерларни талаб қилмайди, шрифтни турли-туманли кенгроқ, умуман, True Type шрифти кўпроқ ишлатилади. Технология WYSIWYG принтерини қўллаб қувватлайди. («Нимани кўрдинг, ўшани оласан»–у ҳужжатнинг чоп этилганлиги билан экрандаги кўринишни тўлиқ мослиги таъминлайди. Лекин бундай чоп этиш сифати паст бўлиб қолиши мумкин, айниқса, катта масштабда ёки жуда кичик ҳарфлар бўлганда.

Бу шрифтларни Пост Скрипт принтерлари чоп этиш зарурати туғилса, форматни алмаштириш ва текислаш бажарилади.

### **Чиқариш қурилмасининг калибровкаси.**

Калибровка деб тасвирнинг ранг тақсимланиши ва ранг восприятия (ўзлаштириш)си параметрларини маълум бир стандартга мослашишига(подгонкасига) айтилади. Бошқача айтганда, Масалан, 1 монитор яшил деб ҳисоблайдиган рангни кўрсатиш мумкин.(РОГ255БО), лекин бошқа монитор яшил рангни бироз бошқа тусда кўрсатиши мумкин, ундаги ёритувчи таркиби бошқа сифатга эга. Агар монитордаги тасвирни ўлчам ва ранг калибровкасининг кўриниши бизга этарли бўлса, аммо ранг тақсимланишига бу этарли эмас. Ранг тақсимланишида ранг кичик четланиш туслар аралашмаси деб суҳаственнўй(асосий) бўлиб қолиши мумкин: томошабинлар фикрига кўра кўп ранглар айниқса, фотографияларда қатъий аниқланган тусга эга бўлиши керак. Четланиш монитор конструкциясига боғлиқ.

Чоп этувчи қурилма калибровкаси қийинчилиги шундаки ранг бўёқлари чоп этиш натижасига катта таъсир кўрсатади, чунки бўёқдоннинг опорожнения(бўшаш) даражасига боғлиқ равишда бўёқ ўз тусини ўзгартириши мумкин. Типографияда ҳар бир янги тиражни чиқариш олдидан унинг эталони (ўлчам) билан солиштириб текшириш тўғри келади, нашриёт ўзининг штатида дизайнер технологияга эга.

Худди олдинги ҳолатдагидек, 1 ишлаб чиқарувчи – чоп этувчи қурилмаларнинг ўхшашлигига ва бўёқларнинг юқори сифатига ҳамда текширувчининг кўзига ишониш тўғри келади.

Сканерни отблочкироват оддийгина, бунинг учун тусларнинг махсус текширувчи жадвалларидан фойдаланиш мумкин. Сканер қилингандан сўнг ҳосил бўлган рангларни аниқлаш учун махсус дастурни ишга туширилади. Бу жадвалларни кўёш нуридан ва бошқа таъсирлардан сақлаш лозим, акс ҳолда калибровка аҳамиятсиз бўлиб қолади. Сканернинг калибровкаси юқори қийматли бўлса ҳам натижа аниқлигини маълум бир даражада қабул қилиш мумкин, яна дизайнернинг кўзи асосий сифат ўлчови ҳисобланади.

### **3-4 Мавзу: Тасвирларни беришнинг координаталар усули**

**Режа**

3.2. Текислик ва фазода объектларнинг аффин алмаштиришлари

3.3. Проексиялар ва уларнинг асосий турлари

**Таянч иборалар:** Тасвир, координаталар текислиги, текисликдаги алмаштиришлар, фазодаги алмаштиришлар, кўчиш, буриш, акслантириш, масштабаш, аффин алмаштиришлар, бир жинсли координаталар, платон жисмлар, параллел проекциялаш, марказий проекциялаш.

Компютер мониторидаги тасвир (расм) билан боғлиқ бўлган ахборотни қайта ишлашда учта асосий йўналишга ажратишади: тасвирни ўрнатиш ёки аниқлаш, тасвирни қайта ишлаш ва компютер (машина) графикаси.

Тасвирни ўрганишнинг асосий вазифаси бу мавжуд бўлган образни (тасвирни) формал, тушунарли (аниқ) бўлган белгилар тилига ўтказиш. Бу ҳолда қаралаётган тасвир абстракт тасавурга айлантирилади, яъни сонларга, махсус белгилар ёки графлар тўпламига ўтказилади. Буни қуйидагича ёзиш мумкин:

**СОМПУТЕР ВИСИОН:**

- инпут- тасвир (расм);
- оутпут-белги (матн) ва унинг таҳлили (анализи).

Тасвирни қайта ишлашда кирувчи ва чиқувчи маълумотлар-тасвирлар. Масалан: тасвирдаги айрим элементларни олиб ташлаш (овоз, ранг, ...) ёки қўшиш, унинг ҳажмини ўзгартириш ва ҳаказо. Яъни уни қуйидагича ёзиш мумкин:

**ИМАГЕ ПРОСЕССИНГ**

- инпут – тасвир →
- оутпут - тасвир (ўзгартирилган) .


Компютер (машина) графикаси дастлабки, яъни кирувчи ахборотни (номаълум табиатга эга) тасвир кўринишига олиб келади. Масалан: эксперт маълумотларни график, диаграмма ёки бошқа шаклларга визуаллаштириш. Бундан ташқари шаклларни алмаштириш, ҳаракатлантириш, виртуал тасавурга яқинлаштириш. Компютер графикасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

**СОМПУТЕР ГРАПҲИСС**

- инпут – белгилар, →
- оутпут – тасвир.



Уларнинг ўртасида кескин чегара йўқ ва умумий схемада қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Тасвирни (дастлаб матн, формула сўнг оддий расм) шахсий компьютер экранида чиқариш компьютер графикасининг ривожланишида биринчи қадам бўлди. Қисқа вақт (50-йиллардан бошлаб) ичида компьютер графикаси тезкор ривожланди ва ўзининг эътиборини икки асосий йўналишга қаратди: тасвирга етарлича таассавур (реаллик) ва ҳаракат (динамика) бериш, ва уларни бирлаштириш.

Тасвирни компьютер дисплейининг экранига чиқариш ва у билан боғлиқ амалларни бажариш фойдаланувчидан маълум даражада геометрик билимларни талаб қилади. Геометрик тушунчалар, формулалар, фактлар, (биринчи навбатда икки ва уч ўлчовга тегишли) компьютер графикасида ўзига хос махсус ўринни эгаллайди. Геометрик ёндашиш, тасаввур ва фикрлар ҳисоблаш техникасининг имкониятларини доимо тезкор кенгайтириши билан биргаликда компьютер графикасининг жиддий ривожланиши йўлида ва кўп соҳаларда кенг ишлатилишига манба бўлди. Айрим ҳолларда оддий, элементар геометрик методикалар катта геометрик масалаларни ечиш этапларида сезиларли ривожини таъминлайди.

Икки ва уч ўлчовли геометрик алмаштиришларни машина графикасида қўлланилишини кўрамиз.

### **Текисликдаги (икки ўлчовли) алмаштиришлар.**

Икки ўлчовли барча нарсаларни компьютер графикасида 2Д (2-дименсион) белгиси билан ифодалаш (киритилган) қабул қилинган.

Фараз қиламизки текисликда тўғри чизиқли координаталар системаси киритилган (берилган) бўлсин. Унда ҳар қандай М нуктанинг координатасини аниқлаш учун икки жуфт (x, y) сонлари олинади.


Ушбу текисликда яна битта тўғри чизиқли координаталар системасини киритган ҳолда М нукта учун янги мос жуфт (x', y') координаталарни ҳосил қиламиз.

Текисликда битта тўғри чизиқли координаталар системасидан бошқасига ўтиш қуйидаги тенгламалар орқали амалга оширилади:

$$\begin{cases} x' = \alpha x + \beta y + \lambda, \\ y' = \gamma x + \sigma y + \mu, \end{cases} \quad (1) \quad \begin{vmatrix} \alpha & \beta \\ \gamma & \sigma \end{vmatrix} \neq 0.$$

Бу ерда  $\alpha, \beta, \gamma, \sigma, \lambda, \mu$  - ихтиёрий сонлар.

Бошқа томондан қараганда, агар биз нуқта ўзгариб координаталар системаси ўзгармас деб қабул қилсак, у ҳолда (1) формулалар  $M(x, y)$  нуқтани  $M'(x', y')$  нуқтага алмаштиришини ифодалайди (1-расм).



(1) формулаларни нуқтани алмаштиришни ифодалайди деб қабул қиламиз.

Алмаштириш формулаларидаги коэффитсентларнинг геометрик маъносини ўрганиш учун берилган координаталар системасини тўғри бурчакли декарт координаталар системаси деб ҳисоблаш қулай.

Икки ўлчовли алмаштиришларнинг хусусий ҳолларини кўрамиз.

### 1. Кўчириш.

$M(x, y)$  нуқтани  $M'(x', y')$  нуқтага кўчириш берилган  $\lambda$  ва  $\mu$  кўчириш константалари векторининг координаталарига қўшиш орқали амалга оширилади

$$x' = x + \lambda,$$

$$y' = y + \mu.$$

### 1. Масштабни ўзгартириш. Чўзиш( сиқиш).

Координаталар ўқлари бўйича чўзиш (ёки сиқиш) кўпайтириш орқали ифодаланади:

$$x' = \alpha x,$$

$$y' = \delta y,$$

$\alpha > 0, \delta > 0$  мос  $X$  ва  $Y$  ўқлари бўйича чўзиш ва сиқиш.

Агар  $\alpha > 1, \delta > 1$  бўлса координата ўқлари бўйича чўзиш ва  $\alpha < 1, \delta < 1$  бўлса, сиқиш таъминланади.

Чўзиш (сиқиш) алмаштиришларини матрица шаклида куйидагича ёзиш мумкин:

$$(x', y') = (x, y) \begin{pmatrix} \alpha & 0 \\ 0 & \delta \end{pmatrix}$$

### 3. Буриш.

Буриш куйидаги формула орқали берилади:

$$x' = x \cos \varphi - y \sin \varphi,$$

$$y' = x \sin \varphi + y \cos \varphi,$$

Бу ерда координаталар системасининг бошланғич нуқтаси бўйлаб соат стрелкасига тескари  $\varphi$  бурчакка буриш бажарилади.

Матритса шаклда буришни куйидагича ёзиш мумкин:

$$(x', y') = (x, y) \begin{pmatrix} \cos \varphi & \sin \varphi \\ -\sin \varphi & \cos \varphi \end{pmatrix}.$$

### 4. Акслантириш.

Акслантириш (абссисса укига нисбатан) куйидагича ифодаланади

$$x' = x;$$

$$y' = -y;$$

Матритса шаклида эса

$$(x', y') = (x, y) \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}.$$

Ордината укига нисбатан акслантириш куйидагича ифодаланади

$$x' = -x;$$


$$y' = y;$$

Матритса шаклида

$$(x', y') = (x, y) \begin{pmatrix} -1 & 0 \\ 0 & 1 \end{pmatrix}.$$

Алмаштиришларни юкоридаги курилган 4-та хусусий холидан мақсад :

- ҳар қайси алмаштириш оддий ва тушунарли геометрик маънога эга.
- ихтиёрый алмаштиришни уларни кетма-кет бажариш(суперпозитсия) орқали ифодалаш мумкин.



Аммо кейинги масалаларни кўриш учун тўртта оддий алмаштиришларни ҳам (кўчиришни ҳисобга олган ҳолда) матрица шаклида ифодалаш лозим(керак).

### Нуктанинг бир жинсли координаталари.

### Текисликдаги алмаштиришларни матрица шаклида ифодалаш.

Фараз қиламизки текисликда  $M(x, y)$  нукта берилган бўлсин. Ихтиёрий  $x_1, x_2, x_3$  (бир вақтда нолдан фарқли) сонлар  $M$  нуктанинг бир жинсли координаталари деб аталади, агарда:

$$\frac{x_1}{x_3} = x, \quad \frac{x_2}{x_3} = y.$$

Яъни ихтиёрий  $\chi \neq 0$  кўпайтирувчи учун  $-M(hx, hy, h)$ .

Компютер графикаси масаласини ишлаш жараёнида ихтиёрий  $M(x, y)$  нуктанинг бир жинсли координаталари қуйидагича киритилади:

$$M(x, y, 1), \text{ яъни } \chi=1.$$

Осонгина кўриш мумкинки (1) алмаштириш формулаларни бир жинсли координаталарда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$(x', y', 1) = (x, y, 1) \times \begin{pmatrix} \alpha & \gamma & 0 \\ \beta & \sigma & 0 \\ \lambda & \mu & 1 \end{pmatrix}. \quad (1')$$

Икки ўлчовли алмаштиришларнинг хусусий ҳоллари, яни 1, 2, 3, 4 учун мос матрицаларни ёзиб чиқамиз:

#### 1. Кўчиш матрицаси (транслатион):

$$K = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ \lambda & \mu & 1 \end{pmatrix}$$

#### 2. Чўзиш (сиқиш) матрицаси(дилататион):

$$Ch = \begin{pmatrix} \alpha & 0 & 0 \\ 0 & \delta & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

3. Буриш матритсаси (ротатион):

$$B = \begin{pmatrix} \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

4. Акслантириш матритсаси(рефлестион):

$$A = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Ихтиёрий алмаштиришларнинг матритсасини юқорида келтирилган К, Ч, Б, А матритсаларни кўпайтириш (кетма-кет-суперпозитсия) орқали ҳосил қилиш мумкин. Улар оддий алмаштиришларнинг бажарилишига қараб мос равишда кўпайтирилади.

Мисол: ABC учбурчакни  $A(x, y)$  учига нисбатан  $\varphi$  бурчакка буриш алмаштиришининг матритсасини куриш

1-қадам.  $A(x, y)$  нуқтани кординаталар бошига  $(0,0)$ , яъни  $(-x, -y)$  векторига кўчириш:

$$K_{-A} = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ -x & -y & 1 \end{pmatrix}.$$

2-қадам.  $\varphi$  бурчакка буриш:

$$B_{\varphi} = \begin{pmatrix} \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

3-қадам. Дастлабки ҳолатига қайтариш учун  $(x, y)$  векторга кўчириш:

$$K_A = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ x & y & 1 \end{pmatrix}.$$

Келтирилган тартибда алмаштириш матритсаларини кўпайтирамиз:

$$K_{-A} \cdot B_{\varphi} \cdot K_A$$

Натижада матритса кўринишидаги алмаштиришни қуйидаги кўринишда оламиз:

$$(x', y', 1) = (x, y, 1) \times \begin{pmatrix} \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ -x \cos \varphi + y \sin \varphi + x & -x \sin \varphi - y \cos \varphi + y & 1 \end{pmatrix}$$

Эътибор берилса барча алмаштиришларнинг матритсалари детерминантлари нолдан фарқли.

### Фазодаги (уч ўлчовли) алмаштиришлар

Фазодаги, яъни уч ўлчовли алмаштиришларни (3Д, 3-дименсион) кўрамиз ва уларни бир жинсли координаталарни киритган ҳолда қараймиз.

Икки ўлчовли ҳолдагидек нуқтани фазода аниқловчи учта координатасини  $(x, y, z)$  тўртта бир жинсли координаталарга алмаштирамиз  $(x, y, z, 1)$  ёки умумий ҳол учун  $(hx, hy, hz, h)$ ,  $h \neq 0$ . Бу ерда ҳам  $h$ - кўпайтирувчи .

Келтирилган бир жинсли координаталар уч ўлчовли алмаштиришларни матритсалар орқали ёзиш имконини беради.

Ихтиёрий алмаштириш уч ўлчовли фазода кўчириш, чўзиш (сиқиш), буриш ва акслантиришларни суперпозитсияси орқали аниқланиши мумкин. Шунинг учун биринчи навбатда ушбу акслантиришларнинг матритсаларини кўрамиз Маълумки кўрилаётган ҳолатда матритсаларнинг ўлчови тўртга тенг.

#### 1. Кўчириш:

$$K = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ \lambda & \mu & \nu & 1 \end{pmatrix}$$

бу ерда  $(\lambda, \mu, \nu)$ –кўчириш вектори .

#### 2. Чўзиш (сиқиш):

$$C = \begin{pmatrix} \alpha & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \beta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & \gamma & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

бу ерда  $\alpha > 1 (1 > \alpha > 0)$  -абсисс ўқи бўйлаб чўзиш (сиқиш) ,

$\beta > 1 (1 > \beta > 0)$  -ординат ўқи бўйлаб (сиқиш) чўзиш ;

$\gamma > 1 (1 > \gamma > 0)$  - аппликат ўқи бўйлаб (сиқиш) чўзиш .

#### 3.Буриш:

абсисс ўқи буйлаб  $\varphi$  бурчакка буриш :

$$B_x = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ 0 & -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \end{pmatrix}$$

ординат ўқи буйлаб  $\psi$  бурчакка буриш :

$$B_y = \begin{pmatrix} \cos \psi & 0 & -\sin \psi & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ \sin \psi & 0 & \cos \psi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

аппликат ўқи буйлаб  $\theta$  бурчакка буриш.

$$B_z = \begin{pmatrix} \cos \theta & \sin \theta & 0 & 0 \\ -\sin \theta & \cos \theta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

#### 4. Акслантириш:

$XU$  текислигига нисбатан акслантириш:

$$A_z = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & -1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

$YZ$  текислигига нисбатан акслантириш:

$$A_x = \begin{pmatrix} -1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

$ZX$  текислигига нисбатан акслантириш :

$$A_y = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & -1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Барча матритсаларнинг детерминантлари нолдан фарқли.

Фазодаги барча алмаштиришларни келтирилган оддий алмаштиришлар кетма-кет бажарилиши (суперпозитсия) орқали амалга оширилиши мумкин. Ихтиёрий фазодаги алмаштиришнинг матритсаси қуйидаги кўринишга эга:

$$M = \begin{pmatrix} \alpha_1 & \alpha_2 & \alpha_3 & 0 \\ \beta_1 & \beta_2 & \beta_3 & 0 \\ \gamma_1 & \gamma_2 & \gamma_3 & 0 \\ \lambda & \mu & \nu & 1 \end{pmatrix}$$

Агар бирор бир геометрик объект  $n$ -та нуқталардан иборат бўлса (яъни берилган бўлса), у ҳолда алмаштириш матритсаси  $M$  аниқлангандан сўнг,

берилган нуқталарни  $V_i(x_i, y_i, z_i), i=1, n$ , матритсасини ҳосил қиламиз ва сўнг кўпайтириш амалини бажарамиз:

$$V \cdot M = \begin{pmatrix} x_1 & y_1 & z_1 & 1 \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_n & y_n & z_n & 1 \end{pmatrix} \cdot M.$$

### Платон жисимлари (кўпёқликлар).

Барча ёқлари тўғри кўпбурчаклардан ва барча учларига тегишли бурчаклар ўзаро тенг бўлган қавариқ кўпёқликлар мунтазам кўпёқликлар деб аталади (Платон жисмлари).

Роппа роса бешта мунтазам кўпёқликлар мавжуд (Буни Евклид исботлаган): тўғри тетраедр, гексаедр (куб), октаедр, додекаедр, икосаедр. Уларнинг асосий хактеристикалари:

Номи учлари(У)сони	ёқлари(Ё)	кирралари(Қ)
Тетраедр	4	6
Гексаедр	6	12
Октаедр	8	12
Додекаедр	12	30
Икосаедр	20	30

Ё, Қ ва У ўзаро қуйидаги Эйлер тенгсизлиги билан боғлиқ:  $Ё+У=Қ+2$ .

Кўпёқликларни қуришни кўрамиз. Бунинг учун уларни учларини топиш кифоя (етарли).

Гексаедрни (куб) қуриш қийинчилик туғдирмайди (расм 1).


Тетраедрни қуриш учун кубнинг қарама-қарши ёқларидаги айқашган (скрещивающиеся) диагоналлари ўтказиш керак.

Октаедр қуришда қуйидаги хоссадан фойдаланамиз: октаедрнинг учлари куб ёқларининг марказларига (оғирлик) мос келади, яъни ёқлар учларининг ўрта арифметик қийматлари


Икосаедрни қуришни кўрамиз.  $Z$  ўқида  $z = \pm 0,5$  маркази,  $r = 1$  радиуси ва  $XU$  текислигига параллел иккита айлана ўтказамиз. Ҳар айланани бешта тенг бўлакка бўлиб, уларни расмда кўрсатилган тартибга мос бирлаштирамиз ва икосаедрнинг ёқларини ташкил қилувчи ўнта мунтазам учбурчакни оламиз.

Қолган ёқлари учун  $Z = \pm \frac{\sqrt{5}}{2}$  нуқталарини оламиз ва мос айланаларнинг нуқталари билан туташтирамиз.

Додекаедрнинг учлари икосаедр ёқларининг оғирлик марказлари бўлади



1-расм




2-расм





2.



Проекциялашда бир жинисли координаталардан ва тўртинчи тартибдан алмаштириш матритсаларидан фойдаланиш геометрик масалаларни ечишда кўпгина қулайликларни беради. Айтиб ўтилган проекцияларни кўрамиз.

**Ортографик проекцияларда**, фараз қиламизки, проекция текислиги бирор-бир координаталар текислиги билан устма-уст ёки параллел. Абсисс  $X$  ўқи бўйлаб  $YZ$  текислигига проекциялаш матритсаси қуйидагича:

$$M_x = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Агар проекция текислиги координаталар текислигига параллел бўлса,  $M_x$  матритсасини кўчиш матритсасига кўпайтириш керак:

$$M_x \times \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ p & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ p & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Шу каби ординат ва аппликат ўқлари бўйлаб проекцияларни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$M_y = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & q & 0 & 1 \end{pmatrix}, M_z = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & r & 1 \end{pmatrix}$$

Бошқа сўз билан айтганда: олди, ён ва устидан кўриниши (план).

Барча матритсаларнинг детерминантлари нолга тенг.

**Аксонетрик проекцияларда** проекторлар Проексия текислигига перпендикуляр.

Проексия текислиги ва координаталар ўқлари йўналишига қараб аксонетрик Проексия учта синфга бўлинади :

- Триметрия, яъни проексия текислигининг нормал вектори координаталар ўқлари билан ўзаро ҳар хил бурчакларни ташкил қилади,
- Диметрия, иккита бурчаклари ўзаро тенг.

Проексиялаш матритсаси ординат ўқи бўйлаб  $\psi$  бурчакка, абссисс ўқи бўйлаб  $\varphi$  бурчакка сўнг аппликат ўқи бўйлаб Проексиялаш орқали ҳосил қилинади.

$$M = \begin{pmatrix} \cos \psi & 0 & -\sin \psi & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ \sin \psi & 0 & \cos \psi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} \times \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi & \sin \varphi & 0 \\ 0 & -\sin \varphi & \cos \varphi & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} \times \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} \cos \psi & \sin \varphi \sin \psi & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi & 0 & 0 \\ \sin \psi & -\sin \varphi \cos \psi & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Бу ерда  $x, y, z$  ўқлари бўйлаб базис вектори қуйидагича ўзгаради.

$$(1,0,0,1) \cdot M = (\cos \psi, \sin \varphi \sin \psi, 0, 1),$$

$$(0,1,0,1) \cdot M = (0, \cos \varphi, 0, 1),$$


$$(0,0,1,1) \cdot M = (\sin \psi, -\sin \varphi \cos \psi, 0, 1).$$

Айтиш жоизки диметрия ҳолида:

$$\sin^2 \psi = \operatorname{tg}^2 \varphi.$$


**Изометрияда эса:**

$$\sin^2 \varphi = \frac{1}{3}, \sin^2 \psi = \frac{1}{2}.$$



Қия бурчакли проексиялашда проекторлар Проексия текислигига перпендикуляр эмас.

Проексиялаш матритсаси бу ҳолда қуйидаги кўринишга эга:




$$K = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ \alpha & \beta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Қия бурчакли проексияларни иккита синфга ажратилади: Кавале (эркин) проексия ва Кабинет проексияси.

Кавале проексиясида:  $\alpha = \beta = \cos \frac{\pi}{4}$ .

Кабинет проексиясида  $\alpha = \beta = \frac{1}{2} \cos \frac{\pi}{4}$ .

Z ўқи бўйлаб йўналган ортнинг (бирлик вектор) қия бурчакли проекциясини кўрамиз.



Бу биз кўраётган  $M(0,0,1) \rightarrow M'(l \cos \theta, l \sin \theta, 0)$ .

Умумий ҳолда  $M(x, y, z)$  нуқтани қия бурчакли акслантиришни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$X_p = X + Z(l \cos \theta), \quad Y_p = Y + Z(l \sin \theta).$$

Проекциялаш матрица-К ни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$K = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ l \cos \theta & l \sin \theta & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Кавале :  $l = 1, \theta = 45^\circ$ ,

Кабине:  $l = \frac{1}{2}, \theta = 45^\circ$

**Марказий проексияларни кўрамиз.**

Фараз қиламизки проексия маркази Z ўқида ётиб  $C(0,0,c)$  нуқтада жойлашган бўлсин. проексия текислиги XY текислиги билан устма-уст жойлашган бўлсин. Проексия марказидан проексия текисликигача масофа  $d = c$  га тенг. Фазода  $M(x, y, z)$  нуқта оламиз ва уни марказ билан  $C(0,0,c)$

туташтирувчи тўғри чизик ўтказамиз. Ушбу тўғри чизикни параметрик тенгламасини тузамиз:

$$x' = xt, \quad y' = yt, \quad z' = c + (z \cdot c)t. \quad z' = 0 \text{ шартига кўра} \quad t = \frac{1}{1 - \frac{z}{c}} \text{ топамиз ва}$$

бундан фойдаланган ҳолда  $M(x, y, z)$  Проексиясининг координаталарини топамиз :

$$x' = \frac{1}{1 - \frac{z}{c}} x, \quad y' = \frac{1}{1 - \frac{z}{c}} y.$$

Ушбу натижани проексия маркази  $C(0,0,c)$  ва  $M(x, y, z)$  нуқтани туташтирувчи тўғри чизик тенгламасидан ҳам олиш мумкин, яъни

$$\frac{x' - x_1}{x_2 - x_1} = \frac{y' - y_1}{y_2 - y_1} = \frac{z' - z_1}{z_2 - z_1}, \quad (x_1, y_1, z_1) = (0, 0, c), \quad (x_2, y_2, z_2) = (x, y, z).$$

Бир нуқтали марказий проекциялашнинг матритсаси қуйидагича:

$$P = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & -\frac{1}{c} \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

текшириб кўрамиз:  $(x, y, z, 1) \cdot P = \left( x, y, 0, 1 - \frac{z}{c} \right).$

Бир жинсли координаталарнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда (яъни  $\frac{1}{1 - \frac{z}{c}}$  га кўпайтирамиз)

$$M' \cdot \begin{pmatrix} x \\ \frac{y}{1 - \frac{z}{c}} \\ 0, 1 \end{pmatrix}.$$

Ушбу акслантиришга мос алмаштириш матритсаси қуйидагича:

$$P_A = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & -\frac{1}{c} \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}, \quad P_A \cdot \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} = P.$$

Умуман олганда марказ нуқтаси учта булиши мумкин ва бу ҳолда алмаштириш матритсаси:

$$P_Y = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 & -\frac{1}{a} \\ 0 & 1 & 0 & -\frac{1}{b} \\ 0 & 0 & 1 & -\frac{1}{c} \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}$$

Мос равишда  $x, y, z$  ўқларига параллел тўғри чизиклар дасталари  $(1,0,0,0)$ ,  $(0,1,0,0)$ ,  $(0,0,1,0)$  қуйидаги марказли  $\left(1,0,0,-\frac{1}{a}\right)$ ,  $\left(0,1,0,-\frac{1}{b}\right)$  ва  $\left(0,0,1,-\frac{1}{c}\right)$  тўғри чизиклар дастасига ўтади.

Уларни қуйидагича ҳам тасвирлаш мумкин, мос равишда:  
 $(-a,0,0,1)$ ,  $(0,-b,0,1)$  ва  $(0,0,-c,1)$  булар бош туташуш нуқталарини аниқлайди.

### **5-6 Мавзу: Асосий растр алгоритмлари. Уч ўлчовли графиканинг усул ва алгоритмлари.**

#### **Режа**

1. Тўғри чизикни ҳосил қилиш алгоритмлари
